АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 29 ОКТЯБР сешанба № 43 (299) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Bugunning gapi

## ОГОҲЛИК — КУНДАЛИК ҲАРАКАТ

Халқаро терроризм. Сўнгги икки ҳафта мобайнида одамзод такрор ва такрор унинг ҳуружига дучор бўлди. Террор Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **ХХ1 асрдаги инсониятнинг улкан душмани эканини барча ҳис қилди.**

Терроризмга қарши кураш тарихига назар солсак, шуниси ачинарлики, унинг ўтмиши узоққа бориб тақалмайди. Аниқроқ айтганда, бу ёвуз куч бундан бир йил муқаддам АҚШда бўй кўрсатгач, жаҳон ҳамжамияти унинг хавфи ва таҳдидини англаб етди. Ва ниҳоят, халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда бизнинг терроризмга қарши қаратилган даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши лозим, дея халқаро ҳамжамиятни огоҳликка чорлаб келган Президент Ислом Каримовнинг айни ташаббуси амалга ошди. Бошқача айтганда, АҚШ етакчилигида аксилтеррор коалиция амалий фаолият бошлади. Бу ялпи кураш ўтган йилнинг октябр ойида бошланган бўлса, ўтган вақт мобайнида катта муваффақиятларга эришди. Афғонистондаги "Ал-қоида" гуруҳи ва уни қўллаб-қувватлаётган Толибон ҳаракати тизимлари узил-кесил бартараф этилди: Шунингдек, террорчи гуруҳлар тайёрлайдиган барча база ва полигонлар бутунлай йўқ қилинди. Қолаверса, терроризмни молиявий манбаларидан узиб қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга лойиқ. Буни аксилтеррор коалициянинг муваффақиятлари сифатида эътироф этиш жоиз.

Очиғини айтиш жоизки, бундан ушбу жараённи ўз кўзи билан кузатиб турган аҳли башар гўё терроризм батамом йўқ қилинди, деган хулосага келдими, ҳар қалай, хотиржам тортгандек бўлди. Бу эса, инсоният ҳамон терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаб етмаганини кўрсатди. Ҳолбуки, ҳали терроризмга қарши кураш ниҳояланмаган, АҚШ расмийлари таъбири билан айтганда, бу муваффақиятлар терроризмга қарши ялпи курашнинг илк босқичида қўлга киритилган эди.

Аввалига Индонезия ва Финландияда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари ҳамда Россия пойтахти Москвада содир бўлган воқеалар терроризмнинг қанчалик ёвуз куч эканини яна бир марта намоён қилди. Энг муҳим хулоса эса ҳали асосий кураш олдинда эканини барча бирдек ҳис этди. Франциянинг собиқ президенти Шарл Де Голь раҳбарлиги пайтида мамлакат ички ишлар вазирлиги ва махсус хизмат ҳаракатларининг мувофиқлаштирувчиси бўлган Константин Мельник Нью-Йорк ва Вашингтон, Боли ороли ва Москвадаги ҳодисаларни шарҳлар экан, инсоният ҳеч ким томонидан эълон қилинмаган учинчи жаҳон урушига қадам қўйганлигини айтди. Ҳодисалар гўёки қуйидагича ривожланиб бормоқда: демократия ва эркин жамиятнинг душмани бўлган терроризм кундан-кунга ўз тарафдорларини тўплаб, оммавий тарзда кенгаймоқда. Унинг ўз сафига ёшларни жалб қилаётгани ғоят ачинарли ва ташвишланарлидир.

Қузатувчи К. Мельник каби террорчилар ва тараққийпарвар кучлар ўртасида учинчи жаҳон уруши давом этмоқда десак, унда "учинчи жаҳон уруши"нинг бошқа урушлардан фарқи нимада? Жавоб оддий: энг асосий тафовут ҳудуд, давлат танлашида. Аниқроқ айтадиган бўлсак, шу пайтгача қузатилган урушлар давлатлар ёки қутблар кураши сифатида кечгани аён. Душман ҳам, унинг қайси томондан ҳужум уюштириши ҳам аниқ. Бироқ террор-чи? Бу даҳшатли душман на миллат, на ҳудуд, на дин, на ирқ танлайди. Қайси тарафдан, қандай усулда хуруж қилади — буни ҳеч ким билмайди. Ҳуллас, у ҳаммани ҳар дақиқада таъқиб қилаверади. Кўча-кўйда ҳам, транспортда ҳам, ҳатто уйда ҳам бемалол яйраб ўтиришга имкон бермайди. Биргина сўнгги ҳафталарда рўй берган воқеаларни олайлик. Боли оролида сайёҳлар террор қурбони бўлди, Москвада эса санъат ихлосманди бўлган томошабинлар қизиқарли томошадан сеҳрланиб ўтирган бир паллада, саҳнага ҳарбий кийим кийган, қўлида автомат тутган жангарилар қўлида гаровга тушди.

Гарчи Москвадаги гаровга олиш ҳодисаси амалда бартараф этилган бўлса-да, у жаҳон афкор оммасининг эътиборидан тушгани йўқ. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ундан тегишли хулосалар чиқариш лозим. Бу воқеа сабоқ олишга ундайди.

Биринчи, сўнгги таҳдид ва ҳуружлар Президент Ислом Каримовнинг 1999 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотнинг Истанбул анжуманида **"Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт"**, дея жаҳон ҳамжамиятига қарата айтган даъвати ҳамон долзарб бўлиб қолаётгани кўрсатди.

Куни кеча мамлакатимиз Президенти Венгрияга ташрифи олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида ҳам бу ҳақда тўхталиб, терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини яна бир бор таъкидлади: **«Иллатни халқаро ҳамжамият биргаликда бартараф қилмас экан, ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқнинг хавфсизиги кафолатланган деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, баъзи бир давлатлар раҳбарларининг ўз мамлакатидаги тинчликдан хотиржамликка берилиб, бошқа жойларда юз бераётган террорчилик хуружларига бефарқ муносабатда бўлаётганини тушуниш қийин».**

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир юртдошимиз аввало, ўз вазифасини виждонан бажариши, жаҳон ҳамжамияти бошлаган курашда доимо сафарбар ва огоҳ бўлиши, **"содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур".** Энг муҳими, **"ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши керак".**

**Мадамин САФАРОВ,**
**журналист**



*Олий хўжалик судида хорижий мамлкатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*24 октябр бутун дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни сифатида кенг нишонланди. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани шу санага бағишланди.*

* * *

*27 октябр куни Президентимиз Ислом Каримовнинг Венгрия Республикасига расмий ташрифи бошланди.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан "Биотехнологиянинг амалий жиҳатлари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида "Журналистлар учун тендер мактаби" мавзусида семинар ўтказилди.*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.*

* * *

*"Соғлом авлод учун" жамғармасида анжуман бўлиб ўтди. Унда Андижон вилояти 1-болалар касалхонаси бош шифокори лавозимида ишлаган Иномова Светлана Турсунхўжаева жамғарма бошқаруви раиси этиб сайланди.*

* * *

*Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузурида Иқтидорли болалар академик лицейи очилди.*

## ЖАҲОЛАТ ХУРУЖИ

Москва. 23 октябр 2002 йил. Мельников кўчаси, маданият уйи, 7-бино. Ушбу манзил 48 соат мобайнида бутун дунё аҳлининг диққат марказида бўлди. Чунки Москвада бошланган террорчилик ҳаракати нафақат Россия, балки бутун дунё аҳлининг тинчини бузди, таҳликага солиб қўйди. Бегуноҳ аҳолини ёвуз ниятда нишонга олиш — гаровда сақлаб туриш, зўравонлик... Бундай ҳаракат, мақсаднинг қисқагина номи — террор!

700 нафарга яқин тинч, осуда яшаётган аҳоли тутқунлик, қамал, гаровда сақланиш нималигини ўз бошидан кечирди. Улар зулм ва меҳр, уруш ва тинчлик ҳақида балки илк бора жиддийроқ, теранроқ ўйладилар. Инсон учун тинчлик, хотиржамлик дамларининг нақадар баланд эканлигини қалбан ҳис этишди.

Москва воқеалари дунё аҳлини, жумладан, бизни яна бир бор огоҳликка даъват этади. Халқимиз террор ва террорчиларнинг ёвуз қилмишларини ҳали унутгани йўқ. 16 феврал, Тошкент воқеалари, хунрезликдан ҳалок бўлган юртдошларимиз қисмати бизни ҳамиша ҳушёрликка чақиради. Қон тўкиб, осуда турмуш тарзимизга хиёнат қилган ёвуз кучларни Президентимиз "Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор" деб таърифлаган эди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларидан дунё аҳлини ана шундай ёвуз кучдан огоҳ этиб, унга қарши ҳамжиҳатликда курашиш зарурлигини уқтириб келмоқда.

Бугун дунёда кечаётган воқеалар давлатимиз раҳбарини узоқни кўра оладиган сиёсатчи эканлигини тасдиқлаб турибди.

Москва воқеалари Ўзбекистонда хавотир билан кутиб олинди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан баёнот эълон қилди. Жумладан, баёнотда таъкидланадики, террорчилик амаллари ва қўрқитиш йўли билан муайян мақсадларга эришиш ёки вужудга келган муаммолари ҳал этишга қаратилган уринишлар мутлақо номақбулдир.

Ёвузлик амалга ошаётган пайтда ҳар қандай эзгу ният, туйғулар оёқости бўлади. Қирққа яқин бола ва кўплаб аёллар террорчилар қўлидаги энг муҳим восита — мақсадни амалга ошириш қуроли сифатида ушлаб турилди. Болалар... Ахир, улар кимларнингдир азиз, жонидан ортиқ кўрувчи фарзандлари эди-ку?

Оммавий ахброт воситалари ўша дамдаги (24 октябр, Москва) таҳликали дақиқаларни шарҳлаб, кўрсатиб борди: 00 соат 25 минут — Гаровда бўлган Алефтина С. маълум қилишича, жангарилар гаровга олинган эркак ва аёлларни сараламоқда, уларни қўндоқлар билан калтакламоқда, томоша зали йўлакларида қон кўриняпти...

00 соат 30 минут: Маданият саройида телевизорлар қўйилган — жангарилар оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларни кузатиб туришибди. Гаровдагиларга ҳожатхоналарга соқчилар назорати остида боришга рухсат этилди. Баъзи одамларга портловчи моддалар боғлаб қўйилган.

01 соат 29 минут. Грознийнинг собиқ коменданти генерал-полковник Аркадий Баскаевнинг шарҳи: "Будянновскдан кейин ҳам, АҚШ да рўй берган 11 сентябр воқеаларидан кейин ҳам ҳеч қандай хулосалар чиқарилгани йўқ".

Булар террор давом этаётган "Норд — Ост"даги манзарадан лавҳалар, холос. Террорнинг якуни эса бугун барчамизга — дунё аҳлига аён бўлди. Аммо бу шу билан ёвуз кучларга, уларнинг қилмишларига нисбатан якунланди, дегани эмас. Агар огоҳ, ҳамиша ҳушёр бўлмасак, бундай офат — бало яна қутилмаганда пайдо бўлиши мумкин. Бундай хавф мавжуд экан, ҳеч биримиз, ҳеч ким хотиржам яшолмайди.

**Ражаббой РАУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Adliya tizimi

## ҚАШҚАДАРЁ

**Вилоят адлия бошқармасининг Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоят бўйича тузилган жами 39 млрд. 22 млн. сўмлик 36336 та ички хўжалик шартномаларининг 593 тасини ўрганиб чиқди. Шундан 3 млн. 647 минг сўмлик 4 та нотўғри тузилган ички хўжалик шартномаси аниқланиб, адлия ходимлари иштирокида қонунга мослаштирилган. Шартномалар тузилишидаги камчиликлари бартараф этиш юзасидан 58 та тақдимнома киритилган. Мазкур тақдимномалар бўйича мансабдор шахсларнинг 41 нафари интизомий жавобгарлик, 10 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида шартномавий муносабатлар юзасидан 243.447.930 сўмлик 205 та даъво аризалари киритилиб, бундан 210.338.556 сўмлик 103 та даъво аризалари судлар томонидан қаноатлантирилган. Киритилган даъво аризалари асосида 20 нафар жисмоний шахс, 8 нафар мансабдор шахс моддий ва маънавий жавобгарликка тортилган.**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

### МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИЛАР

***Корхонамиз 2000 йилда Сурхондарё вилоят "Таълим савдо" корхонаси билан тузилган шартномага кўра, 3 миллион 690 минг 250 сўмлик бўр маҳсулоти тайёрлаб берган бўлса-да, орадан икки йил ўтганига қарамай тегишли маблағни ололмай юргандик. Ҳатто, ўтган йилнинг май ойида вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори асосида Термиз "Уйжойжамғармабанк"ка қўйган инккасса тўловлари ҳам бир ярим йилдан буён амалга ошмай келаётган эди. Газетанинг шу йил 22 октябр сонида "Суд қарори: унинг ижроси нега пайсалга солинмоқда?" сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинди. Буни қарангки, газетадаги танқидий мақола чоп этилгач, орадан икки кун ўтиб, яъни банкдаги ҳисоб рақамимизга 24 октябр куни 3 миллион 3 минг сўм маблағ келиб тушди.***

***Корхонамиз ҳиссадорлари қарзимизни ололмай сарсон бўлган икки йиллик оворагарчиликни қонуний йўл билан ҳал этилишда амалий ёрдам берганлиги учун "Инсон ва қонун" газетасига, таҳририят аъзоларига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз.***

**Толиб БЎРИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят "Бойсунтайёрлов" масъулияти чекланган жамият бошқарув раиси**

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

***Газетанинг 24 сентябр сонида чоп этилган "Давога муҳтож беморхона" сарлавҳали мақоласидаги ҳолатлар вазирлик мутахассисларидан иборат ҳайъат томонидан ўрганиб чиқилди.***

***Ўтказилган текширувлар натижасида мақолада келтирилган далиллар асосан тасдиқланди. Иш фаолиятида йўл қўйган камчиликлари учун Ангор тумани марказий шифохонаси бор врачи 2001 йилнинг 19 июнида имзоланган 911—л сонли буйруқга асосан Ш. Муродова катта фельдшерлик лавозимидан озод қилинган.***

***Ангор тумани марказий шифохонаси бош врачи имзолаган 2002 йилнинг 11 октябридаги 1502 сонли буйруқ асосида шу муассасанинг 2001 йил 19 июнида чиқарилган 911—л сонли буйруқнинг Д. Шопўлатовага тегишли қисми бекор қилиниб, 2001 йил 19 июндан ишсиз юрган даври учун 1,0 ставка миқдорида ойлик иш ҳақи тўлаш шарти билан Д. Шопўлатова ўз лавозимига тикланди.***

**Д. АСАДОВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари**

* * *

***Вилоят прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" газетасининг 2002 йил 27 август кунги сонида чоп этилган "Қизариш" сарлавҳали мақоласида келтирилган далиллар ўрганиб чиқилди.***

***Мақолада Шовот тумани ҳокимлиги томонидан "Ризқ" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли экин майдонларини 12 та фермер хўжаликларига ажратиб бериш тўғрисида чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги Хоразм вилояти хўжалик суди томонидан суд мажлисида кўрилиб, бекор қилинганлиги баён этилган.***

***Ўрганиш жараёнида аниқланишича, Хоразм вилоят хўжалик судининг 2002 йил 5 августдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар "Ризқ" очиқ акциядорлик жамиятини даъво аризаси қаноатлантирилиб, Шовот туман ҳокимлигининг 12 та фермер хўжалигига ер ажратиш ҳақидаги қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган.***

***Вилоят прокуратураси томонидан бу судлов қарори асоссиз деб ҳисобланиб, вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига жорий йилнинг 25 сентябрида апелляция протести киритилган. Шовот туман ҳокимлиги ва фермер хўжаликлари томонидан ҳам 17 сентябр куни суд қарорларидан норози бўлиб апелляция шикояти берилган.***

***Апелляция шикояти ва протестининг вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясида кўрилиш натижаси ҳақида қўшимча хабар қиламиз.***

**И. ДАВЛЕТОВ,**
**Хоразм вилоят прокурори ўринбосари**

Konstitutsiya va biz

## ФУҚАРОЛИК МАҚОМИ

Шахснинг муайян давлатга доимий ва барқарор ҳуқуқий мансублиги фуқаролик дейилади. Шу маънода Ўзбекистон фуқаролиги тушунчаси инсоннинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасини назарда тутади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлати ёрдами билан шахс қонунларда белгилаб қўйилган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади, давлат ҳимоясидан фойдаланади, давлат ҳамда жамиятга нисбатан жамики бурчларини бажаради. Мамлакатимизда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир фуқаро Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган, барча учун ягона бўлган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади ва барча бурчларни бажаради.

Ўзбекистонда ягона фуқароликнинг ўрнатилганлиги халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқади ва унга тўлиқ жавоб беради. Шунга асосан Конституциямизда ҳам, **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"**ги Қонунда ҳам Ўзбекистон фуқаролигининг бирон-бир чет давлат фуқаролигига мансублиги мутлақо тан олинмайди. Умум эътироф этилган қоидаларга кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Конституция ва Қонунда ана шу тамойил баён этилган.

Конституциямизнинг 21-моддасида мамлакатимизда фуқароликка қандай асосларда эришилганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенг эканлиги белгиланган. Бу жуда муҳим қоида бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан таснифланади:

Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролиги унга эга бўлиш асосларидан қатъи назар, барча учун баробар. Иккинчидан, мамлакат фуқаролари келиб чиқиши, ижтимоий ҳолати, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, маълумоти, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, машғулотининг тури ва хусусияти, бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенг. Учинчидан, фуқароларнинг тинчлиги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида таъминланади. Тўртинчидан, мамлакат фуқаролари ҳисобланган шахсларнинг бирортасига ҳам хорижий давлат фуқаролари деб қаралмайди.

Конституцияда белгиланган ушбу қоидада демократик давлатнинг энг муҳим тамойилларидан бири, яъни фуқароликнинг миллий белгига қараб белгиланмаслиги ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, фуқаролик тўғрисидаги Қонунларимиз ҳеч

***Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикасинг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.***

**Ўзбекистон Конституцияси, 21-модда.**

кимга алоҳида имтиёзлар бермайди ёки ҳеч кимнинг қонуний манфаатларини чекламайди ва бузмайди. Ўзбекистонда жорий этилган фуқаролик умумэътироф этган қоидаларидан келиб чиқади ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла жавоб беради.

Конституциямизнинг 21-моддаси сўнгги қисмида фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади, дейилган. Шунга биноан Ўзбекистон фуқаролиги **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"**ги Қонун ҳамда шу асосда чиқарилган бошқа қонун актлари билан тартибга солинади. Мазкур қонунга мувофиқ туғилиш, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиниш, мамлакатнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган ва қонунда кўрсатилган бошқа асослар бўйича Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлиш мумкин.

Ота-онаси Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган бола қаерда туғилишидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлади. Фуқаролиги бўлмаган, аммо мамлакатда доимо яшаб келаётган шахсларнинг Ўзбекистонда туғилган болалари, шунингдек, Ўзбекистонда туғилган, аммо ота-онаси номаълум болалар ҳам фуқароликка эга бўлади. Юртимизда туғилган боланинг отаси ёки онасининг ўзигина мамлакатимиз фуқароси бўлса бас, у ҳам Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлади. Чет элларда туғилган Ўзбекистон фуқароларининг болалари ҳам ватанимиз фуқароси ҳисобланади.

**«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»**ги Қонун Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш шартлари ва тартиби билан бир қаторда фуқароликни тўхтатиш асосларини ҳам белгилаб беради. Мазкур Қонунга биноан агар фуқаролар хорижий давлатда ҳарбий хизмат, хавфсизлик хизмати идоралари, адлия идоралари, давлат ҳокимияти ёки бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирган бўлса; чет элда доимий равишда яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса; агар Ўзбекистон фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса; қонунда кўрсатилган бошқа асосларда фуқаролик йўқотилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўрнатилган ягона фуқаролик барча учун баробар бўлиб, бу давлатимиз билан унинг фуқаролари ўртасидаги мустаҳкам ҳуқуқий алоқаларни вужудга келтиради. Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллати ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар, тенг ҳуқуққа эга. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналарининг ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Бу эса Конституциямизнинг инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилганининг амалий исботидир.

**Санжар МУҲАММЕДОВ**

Ajab savdolar

# РАИС ҚОНУНДАН ЗЎРМИ?

Музробод туманидаги С. Сатторов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасида раисларнинг тез-тез алмаштирилиши одат тусига кирди. Ниҳоят, бундан икки йилча бурун уюшмага Абдумурод Нормуродов раис этиб тайинланди. Фермерлар ўзларича "ана энди ёш ва ғайратли раис ҳамма ишни дўндирса керак" деб хомчўт қилишди. Бироқ уларнинг ўйлаганидек бўлиб чиқмади. Гап шундаки, янги раис ишни мавжуд техника воситаларини фермерларга таниш-билишчилик асосида арзон-гаровга сотишдан бошлади.

— Абдумурод ака уюшмамизга раис бўлиб келди-ю, сарсон-саргардонлигимиз юз фоизга ошди, — дейди куйинганича "Шоҳбоз" фермер хўжалиги бошлиғи Тошқул Тўраев, — маҳсулотимизни топшириб, пулимизни ололмаймиз. Энг ёмони, раис суд қарорларини назарига ҳам илмайди.

— Қонун талабини бажармаган инсон қандай қилиб хўжаликка раҳбар бўлади? — деб уни ишонқирамай сўроққа тутдик.

— Ака, асли касбим иқтисодчи, оила аъзоларим билан 11,5 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Топширган маҳсулотим учун оладиган ҳақни ундириш мақсадида бир неча бор судларга даъво аризалари киритиб, раисга тақдим этганман. У киши суд қарорларига наридан-бери кўз югуртиради-ю, сўнг иш столининг тортмасига ташлаб, ҳеч нарсани кўрмагандек ишга борибкелаверади...

Фермер Тошқул аканинг бизга тақдим этган бир даста суд ҳужжатлари, ижро варақалари, вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан шу хўжаликда олиб борган текширув ҳужжатлари билан танишгач, раис Абдумурод Нормуродов ҳақиқатда ҳам, қонундан зўрми, деган хаёлга бордик. Чунки ҳужжатлар фермернинг ҳақ гапни айтганини тасдиқлаб турарди.

"Шоҳбоз" фермер хўжалиги 1999-2000 йилларда пахта ҳосили учун тегадиган 668 минг сўмни уюшмадан ойлаб юргани билан ололмагач, 2000 йил апрел ойида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Ўша йилнинг 20 сентябрида вилоят хўжалик судининг 20-224/1-7 сонли иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарорини С. Сатторов номидаги фермер хўжалиги уюшмасининг раиси Абдумурод Нормуродов бажаришдан мутлақо бош тортди. Гўё бундай қонуний қарорлар унга бир пиёла муздек сувни бир симиришда ичиб қўйиш мумкиндай туюлди. Энг муҳими, фермерлар уюшмаси билан "Шоҳбоз" фермер хўжалиги ўртасида 6 йил муддатга тузилган 10-сонли шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги учун 2000 йил 20 апрел куни "Шоҳбоз" фермер хўжалиги вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилиб, унга 489 минг 678 сўмни ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ижрога қаратилди.

Бу томонда уюшма раиси ҳам қараб турмади. Хўжаликка фермерга тўланадиган бундай маблағ йўқ, дея ишни "гулдур-гуп" қилиб юборди. Хўжаликнинг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги учун вилоят хўжалик суди 2000 йил 20 сентябр куни ижрони молмулкка қаратиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Шу билан муаммо ўз ечимини топди, деб ўйлаган чиқарсиз?!.

Қайга дейсиз?!

Тошқул аканинг сарсон-саргардонлиги яна ўн чандонга кўпайса кўпайди-ку, лекин камаймади.

Тошни сиққан билан сув чиқмаслигига ишонган фермер Тошқул Тўраев Музрободдан Термизга бўзчининг мокисидек қатнайверди. Ахийри, 2001 йил 17 ноябр куни вилоят хўжалик судининг 1999-2000 йилларда С. Сатторов номидаги фермер хўжалиги уюшмасига етказиб берган пахта хомашёсидан олинган 668 минг 500 сўм соф фойда, 334 минг 250 сўм устама — жами 1 миллион 27 минг 50 сўмга "Шоҳбоз" фермер хўжалигига ўзаро келишувга асосан тракторни олиб беришга қаратилган вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик судининг 2001 йил 19-21 декабр кунларида бўлиб суд мажлисидан сўнг 01-19-25/2 сонли ҳал қилувчи қарори чиқарилиб, даъво аризаси Музробод туманидаги С. Сатторов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси зиммасига Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2000 йил 20 сентябр куни чиқарган 20-224/1-7 сонли ижрони мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги ажримни бажариш мақсадида 4-бўлим ихтиёрида бўлган Холмурод Абдураҳимов бошқарувидаги "МТЗ-80" русумли тракторни чопиқ агрегати билан биргаликда "Шоҳбоз" фермер хўжалиги балансига ўтказиб, қонуний расмийлаштириш, уюшма ҳисобидан фермер хўжалигига 668 минг 500 асосий қарз, 334250 сўм устама — жами 1 миллион сўм моддий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилувчи қарор чиқарилди.

Бироқ раис Абдумурод Нормуродов суднинг ҳал қилувчи қарорларини бажармасликда устаси фаранг экан. Тўғрироғи, катта бир хўжаликнинг амал курсисига ўтирганича, қонунбузарликларни назар-писанд қилмай "менинг ўз қонун-қоидаларим бор, бир аризабоз фермернинг талаби билан қонун амалга ошаверадими", дея хотиржам юраверди. Келинг, шу ўринда бир далил келтирайлик. Вилоят адлия бошқармаси томонидан "Шоҳбоз" фермер хўжалиги бошлиғи Тошқул Тўраевнинг аризаси бўйича ўтказилган текширув далолатномасидан кўчирмада, жумладан, шундай дейилган: **фермер хўжалиги бошлиғи текшириш кунига қадар Т. Тўраев 300 кун мобайнида хўжалик судининг ҳал қилувчи қарорига биноан берилиши лозим бўлган трактордан ўзи ва фермер хўжалигининг шахсий манфаатлари йўлида фойдалана олмасдан жиддий зарар кўришига С. Сатторов номидаги деҳқон фермер хўжалиги уюшмаси раиси А. Нормуродов сабабчи бўлган".**

Раиснинг қонундан "зўр"лигини қуйидаги ҳужжат ҳам тасдиқлайди. Бу ҳужжат шу йил 13 март куни фермер хўжаликлар уюшмаси томонидан берилган маълумотномадир. Унда уюшманинг 4-бўлими ҳисобида турган "МТЗ-8" русумли трактор ва чопиқ агрегати билан энг охирги нархлар қиймати бўйича уюшманинг 4-бўлими ҳудудида мустақил равишда фаолият юритаётган "Шоҳбоз" номли фермер хўжалиги бошлиғи Тўраев Тошқулга фермер хўжалиги ҳисобига ўтказдириб олиш шарти билан сотилган", дейилган. Маълумотномага уюшма раиси А. Нормуродов ва бош ҳисобчи Ю. Каримов имзо чекишган.

Хўп, шу билан ҳаммаси жойига тушибди, десангиз, яна янглишасиз. Тракторни ундириш машмашаси ҳали ҳам давом этмоқда. "Шоҳбоз" фермер хўжалиги бошлиғи Тошқул Тўраев 300 кун чопиб, ўзининг қонуний ҳақи эвазига аранг "йўқолганига куйинма, топилганига қувон" қабилида агрегатсиз тракторни қўлга киритди. Тўғрироғи, трактор унинг хонадонига чопиқ агрегатисиз етиб келди. Уч ҳовли нарёғда турадиган қўшниси Эргаш ака билан тракторнинг устидан аразлашиб қолди. Натижада ўртадаги қўшничиликка путур етди. Жанжалга уюшма раиси Абдумурод Нормуродовнинг аввалига тракторни Эргаш Аминовга сотишга розилик бериб, унинг аризасига имзо чекиб юборгани бўлди. Бошқача айтганда, раис бир вақтнинг ўзида тракторни икки кишига сотиб, "ўзлари бир бало қилиб тракторни бўлиб олишади-да" деб бир четда томошабин бўлиб тураверди...

Жанжалга Музробод туман прокуратураси аралашгандан сўнг трактор чопиқ агрегатисиз Т. Тўраевга олиб берилди.

Чопиқ агрегатини эса Эргаш Аминов олиб қолди.

Ҳолбуки, фермер тракторни чопиқ агрегати билан бирга сотиб олган. Буни раисга эслатганимизда, у бамайлихотир "фермер чопиқ агрегати билан олдим" дея маълумотномага имзо чеккан. Энди буёғи унга ҳавола. Агрегатни оладими-йўқми, бу унинг иши" деб жавоб берди.

Хўжаликдаги машмашалар шундангина иборат эмас. "Шоҳбоз" фермер хўжалиги бу йил 5 гектарлик ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштирди. Унинг 13 тонна 100 килосини туман дон тайёрлаш корхонасига топширди. Маҳсулотнинг нархи 693 минг 645 сўмни ташкил этади. Бироқ орадан беш ой ўтаяптики, фермер ўзи топширган ғалланинг ҳақини кимдан олишни билмай яна сарсон бўлиб қолмоқда. Раисга ана шу оворагарчиликни изоҳлаб беришни сўраганимизда, «фермернинг биз билан шартномаси йўқ. Маҳсулотини кимга топширган бўлса, ўшандан талаб қилаверсин», деб жавоб берди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ўзининг фермери тақдири билан қизиқмаган раисни ким деб аташ мумкин? Уюшмада аризабозликнинг кўпайишига сабаб ана шундай эътиборсизлик эмасмикан?

Биз хўжаликда бўлганимизда бир нечта фермерлар билан ўзаро суҳбат қурдик. Уларнинг айтишича, раисни фермерлар фаолияти мутлақо қизиқтирмайди. Шу сабаб бўлса керак, фермерлар уюшмаси 24 октябр кунигача йиллик пахта тайёрлаш режасини 66,95 фоизга уддалаган, холос. Бир кунлик топширилаётган пахта йиллик режага нисбатан бор-йўғи 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

— Пахта ҳам тугаган. Бу йил ҳам режани бажаролмаймиз, - деди фермер Тошқул Тўраев. - Раиснинг айби билан ғўзаларим қуриб кетди. 20 тонна ўрнига бор-йўғи 11 тонна пахта етиштира олдим, холос...

Хуллас, уюшмада аҳвол шундай аянчли кўриниш олган. Шу сабабли уюшма ҳозирги кунда 238 миллион сўмлик қарзга ботган. Шундай бўлса-да, раиснинг парвойи палак. Эҳтимол, у «ўтган куним ҳисоб» деган ўйда юрган бўлса, ажаб эмас. Йўқса, қонун талабларини бажарган бўларди. Лекин бу ҳол яна қачонгача давом этар экан? Ҳамма гап ана шунда.

**Собир ЁДИКОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**




Qaror va ijro

# ДАЪВО АРИЗАСИ УНГА НИСБАТАН ЭҲТИЁЖ ҚАЧОН ТУҒИЛАДИ?

"2000 йилнинг 10 август куни «1-Наманганқурилиш» очиқ турдаги Акциядорлик жамияти билан тузилган 1/124 сонли шартномага кўра, Бизнес мактаб қурилишида 2000 йилнинг август ойидан декабр ойига қадар 12619150 сўмлик ишларини бажардик. «1-Наманганқурилиш» очиқ турдаги Акциядорлик жамияти бажарилган ишлар учун 725000 сўм бўнак пули тўлади. 6086263 сўмлик қурилиш материаллари билан таъминлади. Қолган қарзларни 2002 йилнинг январ ойига қадар тўламай келяпти".

Хусусий тадбиркор Риза Шамсиддинов шикоят хатидан кўчирма.

Албатта, тадбиркор мазкур шикоят хатини ёзишдан олдин бир неча марта «1-Наманганқурилиш» очиқ турдаги Акциядорлик жамиятининг раҳбарларига оғзаки ва ёзма равишда мурожаат этган. Аммо қурилиш ташкилоти раҳбарлари хусусий тадбиркорнинг "дод-войи"га пинак ҳам қоқишмаган. Шундан сўнг Риза Шамсиддинов ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклашни талаб қилиб Давлатобод туман прокуратурасига мурожаат этади. Албатта, туман прокуратураси мазкур масалага жиддий ёндашади. Ва шунинг натижада жавобгар ташкилот 2000 йилнинг январ ойида даъвогарнинг ҳисоб рақамига 521958 сўм маблағни ўтказиб беради. Феврал, март ойларида эса 576384 сўмлик цемент беради. Қолган қарзларни эса "топилганида оларсизлар" қабилида индамай кўя қолишади.

Албатта, ҳеч ким ҳалол меҳнати эвазига топган ҳақини кўчага ташлаб қўймайди. Айниқса, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимиз таянчи, фаровонлик манбаи деб қаралаётган бир пайтда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳам яратилган.

Риза Шамсиддинов ҳам "1-Наманганқурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раҳбарлари билан ортиқ тортишиб ўтирмади. Бу ишни қонун кучи билан узил-кесил ҳал қилишга астойдил киришди. Шу сабабли у вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Вилоят Адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси Муҳаммаджон Абдуллаев хусусий тадбиркорнинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, **"Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддасида мажбуриятни ўз вақтида бажармаганлик учун тўланмаган суммани 15 фоиз миқдорда жарима ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 устама тўлаш лозимлиги қайд этилган. Хусусий тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун талабларига тўғри келади. Вилоят Адлия бошқармаси мазкур масалани одилона ҳал этиш учун фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво аризасини киритди. Р. Асриев раислигида ўтган суд мажлиси даъвогар ва жавобгар томонидан келтирилган ҳужжатлар асосида иш юритди.

Суд мажлисида "1-Наманганқурилиш" очиқ турдаги Акциядорлик жамияти раиси Ворисхон Қозоқов даъво аризасини инкор эта олмади.

— Ростдан ҳам, 2000 йилнинг 10 август куни хусусий тадбиркор Риза Шамсиддинов билан 1/124 сонли шартномани имзолаганмиз, — деди у суд мажлисида, — шартнома бўйича 2000 йилнинг август ойидан декабр ойигача Бизнес мактаб қурилишида 12619150 сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Даъвогарга бажарган иши учун 725000 сўм бўнак пули берилган. 6086263 сўмлик қурилиш материаллари бердик. 2000 йилнинг январ ойида даъвогарнинг ҳисоб рақамига 521958 сўм пул ўтказдик. Феврал, март ойларида 576384 сўмлик цемент олинди. Қолган 3619149 сўм қарзни узиш йўлларини ҳам излаяпмиз.

"1-Наманганқурилиш" очиқ турдаги Акциядорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Раҳмонберди Ёрқинов ўз фикрини шундай изоҳлайди:

— Ҳақиқатдан ҳам, қарзимиз бор. Мен бош ҳисобчиликка яқинда ўтдим. Давлатобод туман прокуратурасининг хатига асосан даъвогарнинг ҳисоб рақамига 2002 йилнинг январ ойида пул ўтказиб бердик. Айни кунларда эса зиммамиздаги қарзни узиш йўлларини ахтаряпмиз. Аммо ташкилотимиз моддий томондан анча қийналиб қолган. Буни эътиборга олишингизни сўрайман.

Суд даъвогар ва жавобгарларнинг баёнотларини-ю, прокурорнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, тўпланган ҳужжатларни атрофлича муҳокама қилди. Даъвонинг моддий зарар ундириш қисмини қаноатлантирди. Маънавий зарар ундириш қисмини эса даъвогар даъводан воз кечганлигини суд инобатга олди.

Шундай қилиб, суд Хўжалик Процессуал Кодексининг 203-206,100-модда, 3-банди, 101-моддаси, Фуқаролик Кодексининг 234-238-моддаларини қўллаб қарор қабул қилди. Унга кўра жавобгар "1-Наманганқурилиш" очиқ турдаги Акциядорлик жамияти даъвогар Риза Шамсиддинов фойдасига 3619149 сўм асосий қарз, 542872 сўм жарима, 1809574 сўм устама — жами 5971595 сўм тўлайдиган бўлди.

Унинг устига жавобгар "1-Наманганқурилиш" очиқ турдаги Акциядорлик жамияти давлат фойдасига тўлайдиган давлат божининг ўзи 238860 сўмни ташкил этади.

Хуллас, шартнома шартларига амал қилмаслик шундай оқибатларга олиб келади. Баён этилган воқеалик нимадан далолат беради?

Бу ҳол энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётгани, улар ўз қонуний манфаатларини талаб қилиб судларга мурожаат этаётганини кўрсатади. Бу масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи жиҳати шундаки, жойларда ҳамон эскича фикрлашдан қутула олмайдиган ва шу иллат туфайли тадбиркорлик фаолияти йўлида тўсиқ бўлаётган айрим раҳбарлар учраб турибди. Буни юқорида баён этилган воқеа мисолида ҳам кўрдик.

Хулоса шуки, бугун қонун ўз сўзини тўла айтаётган экан, унга суянган киши ҳеч қачон ютқизмайди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Adliya tizimi

# ҚАШҚАДАРЁ

**Вилоят адлия бошқармаси томонидан мамлакатимиз Президенти Фармони ҳамда Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ширкат хўжаликлари томонидан оила пудратчилар ва ижарачиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилиши мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Текшириш натижасида Чироқчи туманида "Кўқдала" ширкат хўжалиги маъмурияти томонидан ижроси бажарилмаётгани аниқланди. Яъни хўжаликнинг 23 нафар оила пудратчиларига берилиши лозим бўлган пахта ёғи, шрот, шелуза-лар ўз вақтида берилмаган. Адлия бошқармаси томонидан оила пудратчиларининг манфаатини кўзлаб, чироқчи туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига 1 млн. 731 минг 723 сўм иш ҳақлари ҳамда 2755,6 кг пахта ёғи 12035 кг шрот, 9473 кг шелухаларни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилган. Айни пайтда даъво ариза суд томонидан мазмунан ҳал қилиниш арафасида турибди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва шартнома мажбуриятларини бажарилишига оид қонунларни ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан ижобий ишлар амалга оширилиб кенг жамоатчиликка қонун талабларини тушунтириш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.**

Huquqiy sharh

# ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ НИМА?

## (ШАРТНОМАНИНГ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАРИ)

### ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Ҳар бир шартномада қўшимча шартлар бўлими мавжуд бўлиб, унда шундай шартлар ифода этиладики, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш жараёнига муҳим таъсир кўрсатади. Қуйида ана шундай шартлар хусусида фикр юритамиз.

**I. Шартноманинг амал қилиш муддати**

Шартномада унинг амал қилиш муддатининг аниқ белгиланиши, ҳатто томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари алоҳида белгиланган ҳолларда ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Чунки Сиз шартнома муддати качон тугайди ва қарши томонга шартнома шартларини бажаришдан бош тортган учун қачондан талаб ва эътирозлар билдириш керак эканлигини яхши билишингиз керак.

**II. Томонларнинг жавобгарлиги**

Ҳар кандай шартноманинг бу шарти томонлардан бири шартнома шартларини бузиш эҳтимоли мавжуд булганда, уни ўз мажбуриятларини бажаришга ундаши билан катта аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликда мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка шаклидаги жазолар (устама, жарима) белгиланган.

Шу ўринда қуйидаги бир мисолга мурожаат этсак, фикримиз янада ойдинроқ бўлади.

Даъвогар Фарғона вилояти адлия бошқармаси Фарғона туманидаги "Мирзо-Малик" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга даъво ариза билан мурожаат этади. Мазкур даъво аризасида Фарғона туманидаги "Мирзо-Малик" фермер хўжалиги билан Фарғона шаҳридаги "Пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ўртасида 2000 йил 5 октябр куни 30 сонли транспорт хизмати кўрсатиш учун шартнома тузилгани, мазкур шартномага асосан "Мирзо-Малик" фермер хўжалиги 2001 йил январ, феврал, март ойларида 1849350 сўмлик транспорт хизмати кўрсатгани, бу учун тўлов қисман, яъни 735747 сўмга амалга оширилган ҳолда қолган 1113603 сўми тўланмай келинаётгани баён этилиб, жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига асосий қарз, жарима ва устама ҳақларини ундириб берилиши сўралган.

Суд мазкур даъво аризани кўриб чиқишда тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 13-бандида истеъмолчи маблағни ўз вақтида ўтказиб бермаса, ундан тўлови кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган жарима ундирилиши белгиланганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогар фойдасига фақат қарзнинг 10 фоизи, яъни 111360 сўм жарима ундиришни лозим топди.

Баён этилганларга биноан суд даъвогарнинг даъвосини қисман, яъни 111360 сўм жарима ундиришни, ушбу хўжалик иши судда кўрилиши билан боғлиқ суд харажатларини жавобгардан қаноатлантирилган сумма миқдоридан, даъвогардан эса рад этилган сумма миқдорида ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шундан келиб чиқиб, шартнома тузиш вақтида жавобгарликни қуйидагича белгилаш методикасини таклиф этамиз: қарши томоннинг шартномада белгиланган ҳар бир мажбуриятига тегишли жавобгарлик белгиланиши шарт ва бунда асосан неустойканинг жарима шаклига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**III. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари**

Тижорат фаолиятини амалга оширишда шартнома муносабатларига киришган шериклар ҳар доим ҳам ишончли бўлавермайди. Тузилган шартномадаги мажбуриятларнинг тўлиқ ва лозим даражада бажарилишига эришишда, айбдор томонга қўшимча мулкий таъсир чораларини белгиловчи мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини қўллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги қонунчилигимизда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг олтита усули белгиланган: неустойка, гаров, ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат ва закалатдир.

**IV. Муддатидан илгари шартномани бир томонлама бекор килиш асослари ва тартиби.**

Бугунги кунда ҳаётда шартномани бир томонлама бекор қилиш юзасидан келиб чиқадиган низолар кўп учраб турибди. Бундай ҳолатда асосан тўланган аванс туловлари ва олдиндан ўтказилган пул маблағларининг қайтарилиши муаммоси юзага келади. Шунинг учун шартномада муддатидан олдин шартнома бекор қилинганда юқоридаги тўловларни қайтариш тартиби ва муддатлари белгиланиб қўйилиши шарт.

**V. Шартнома буйича келиб чикадиган низоларни ҳал этиш тартиби**

Шартнома юзасидан томонлар ўртасида келиб чикадиган низолар шартномада назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъий назар Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида ҳал этилади.

Аммо томонлар шартномада низоларни судгача ҳал этишнинг ўзга тартибини ҳам белгилаши мумкин. Масалан, талабнома бериш, ҳакамлик суди ва бошқа тартиблар шулар жумласига киради.

**Акмал НАБИРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари**

Saboq

# БОҒ ЭМАС, ЯРАТГАННИКИ!

# ЗЎРАВОННИКИ

Халқимиз азалдан боғ яратган инсонларни эъзозлаб келган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки боғ яратилса, аввало, ташландиқ ерлар обод бўлади, қолаверса, юрт дастурхони фаровонлашади.

Ана шу ҳақиқатни Боғдод туманининг машҳур раисларидан бири бўлган Эркин Усмонхўжаев ўтган асрнинг 80-чи йилларидаёқ англаб етган эди. У ўша йиллари омилкор инсон бўлган жамоадоши А. Бекмирзаевга сувсиз тошлоқ адирда боғ яратиш таклифини айтди. А. Бекмирзаевга раиснинг таклифи маъқул тушди ва дарҳол енг шимариб ишга киришди. Бунга ҳам 18 йил тўлди. Бу орада А. Бекмирзаев яратган улкан боғ шиғил мевага кирди ва унинг мевасидан бир неча авлод бахраманд бўлди.

Ана шу боғ йилдан-йилга кенгайиб, кўпчиликнинг ҳавасини, баъзиларнинг эса ҳасадини келтира бошлади. Боғдод туманига Р.Қодиров ҳоким бўлиб тайинлангач, бу янада аниқ бўлиб қолди.

Аниқроғи, ҳоким боғни дастлаб ўғлининг номига пинҳона равишда расмийлаштириб олди. Тез орада Боғдодда "янги ҳоким иш бошламасданоқ фалончининг боғини ўғлига тортиб олиб берибди" деган гап-сўзлар тарқалди. Буни эшитиб, ҳокимнинг боши қотди. Охири ўйлай-ўйлай чорасини топди: боғни қуёви Т. Юнусовнинг номига ўтказиб қўйди. Бу билан ҳоким "қўйнидан тўкилса, қўнжимга тушади", деб ўйлаган эди.

Энг қизиғи, А. Бекмирзаев бу ишлардан бехабар ҳолда боғига ишлов бериб юраверди. Шу йилнинг март ойларида Т. Юнусов унинг олдига келиб А.Бекмирзаевга боғни беринг, унинг эгаси менман, деб талаб қўйди. А.Бекмуродов бу гапни эшитиб, табиийки, ҳангу манг бўлиб қолди. Ўзига келиб олгач эса, тегишли жойларга мурожаат эта бошлади. "Бор отангга, бор онангга" қабилидаги сарсонгарчилик ниҳоят фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судида якун топди. Суд собиқ ҳокимнинг кирдикорларини фош этди ва ҳақиқатни қарор топтирди. Боғ эса ҳақиқий эгасига қайтарилди.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**журналист**

Qonun dastagi

# РАД ЭТИЛГАН ДАЪВО

**Кейинги пайтларда фуқаролик судларида уй-жой низосига доир ишларга тез-тез дуч келинмоқда. Бундай низолар асосан фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари етишмаётгани, қонунларни яхши билмасликларидан келиб чиқмоқда. Лекин бугунги кунда Конституция ва қонунларга асосланган янги фуқаролик жамияти қурилаётган экан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва тушунчасини ошириш учун воқеликни бор бўй-басти билан ифодалаш лозим. Шундагина у қаердадир, кимгадир аскотади. Эҳтимол, сабоқ бўлса ҳам, ажаб эмас.**

**Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати даъвогар С. Қўлдошевнинг аризасини кўриб чиқди. Даъвогар жавобгар З. Санаевга нисбатан уй-жойдан мажбурий чиқариш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди чиқарган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят қилган. Шу ўринда табиий савол туғилади: даъвогар ким, жавобгар-чи? Улар нега низолашишяпти?**

**Ҳар иккиси оддий қишлоқ аёли, марҳума Бўстон Санаеванинг фарзандлари. Султоннинг отаси урушга кетиб, қайтмагач, Б. Санаева бошқа турмуш қурган. Демак, Султон билан Зокир ота бошқа, она бир ака-ука. Соч-соқолига оқ қўнганига неча йиллар бўлган биродарлар насиҳат эшитадиган ёшдан аллақачон ўтишган. Қавм-қариндошлар ўртасида низолашиш шариатга ҳам, халқимиз руҳиятига ҳам мос келмаслиги, бу ҳол фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этиши, ўзлари эса маҳалла-кўй олдида изза бўлиши, эл-юрт орасида обрў-эътиборни пасайтириши ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ерда гап қонун устида, уй-жой кимга тегишлилиги ҳақида бораяпти.**

**Бўстон Санаева 1998 йил 11 сентябр куни давлат нотариал идораси орқали ўзига тегишли барча мол-мулкини, шунингдек, Нарпай туманининг Баландқўрғон қишлоғида жойлашган 1953 квадрат метр турар жойини ўғли Султон Қўлдошевга васият қилган. Б.Санаева саводсизлиги сабабли васиятномани унинг ўрнига фуқаро У. Хўжанов имзолаган. Орадан салкам икки йил ўтиб, яъни 2000 йилнинг 24 июлида Б. Санаева энди худди шу уй-жойни яна ўша давлат нотариал идораси орқали ўғли Зокир Санаевга васият қилган. Бу гал васиятномага онанинг ўрнига фуқаро А. Ёдгоров имзо чеккан. Шу боис оға-иниларнинг ҳар иккаласида васиятнома бор. Улар ўзларича ҳақ. Лекин қонунчи, у нима дейди?**

**Бу борада қонунга мурожаат этадиган бўлсак, Фуқаролик Кодексининг 1127-моддасида "Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилиш ёхуд унда мавжуд бўлган айрим фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилиш, ўзгартириш ёки тўлдиришга ҳақли. Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади", деб қайд этилган. Бу эса Зокир Санаев қўлидаги васиятноманинг қонуний кучга эга эканини билдиради.**

**Судга "Янгиқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинидан тақдим этилган маълумотномада марҳума Б. Санаеванинг номида бўлган низоли уй-жойда Зокир Санаев ўз оила аъзолари билан яшаб келаётгани маълум қилинган. «Уй-жой» Кодексининг 32-моддасида "Уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақли" эканликлари ёзиб қўйилган. Ана шу ҳолатлар даъвогарнинг даъвоси асоссиз эканини исботлайди.**

**Судлов ҳайъати иккала васиятнома ҳам марҳума Б. Санаева томонидан тузилганига ҳуқуқий баҳо берди. Жавобгар Зокир Санаев оила аъзолари билан низоли уй-жойда яшаб, ундан фойдаланиб келаётгани сабабли биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқарди.**

**Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Мана, анча вақтдан буён газетада ҳар бир маҳаллага адвокат кераклиги ҳақидаги таклифлар илгари сурилмоқда. Ушбу ўринли ва фойдали таклиф тезроқ амалиётга жорий этилиши зарур. Чунки ҳар бир маҳаллада адвокат бўлса, биз қаламга олганга ўхшаш низолашишлар-у, ортиқча асаббузарликларга ўрин қолмас эди.**

**Болибой ХИДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# АБАДИЙ ҲУҚУҚ

## ЁКИ ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИНГ ҲИМОЯСИ

Шаён, қадр-қиммат, обрў тушунчалари ўзаро бир-бирига яқин аҳлоқ категорияларидир. Улар ўртасидаги фарқлар бу хусусиятларга баҳо бериш, уларга объектив ёки субъектив ёндашувда маълум бўлади. Агар шаён тушунчаси жамиятнинг шахс ёки юридик шахсга муносабатини белгиловчи аҳлоқий ва ўзга сифатларга ижтимоий баҳо беришда объектив баҳолаш бўлса, у ҳолда қадр-қиммат деганда шахснинг ўзини ички баҳолаши, унинг ўз шахсий сифатлари, қобилияти дунёқараши, амалга оширган бурчи ва ўзининг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш тушунилади.

Шаён ва қадр-қиммат категорияси инсонга энг олий ижтимоий қадрият сифатида муносабатда бўлишни билдиради. Қадимги Юнонистон ва Римда шаён, қадр-қиммат тушунчаси шахсга иззат-ҳурмат билан ўлчанган. Бошқача айтганда, у аҳлоқ ва ҳуқуққа менгзалган. Шаён кўпгина буюк алломалар, сиёсатчилар, турли давр ва халқларнинг файласуфлари, уларнинг ижтимоий қарашлари ҳамда фаолият йўналишлари даражасини таснифлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шаён тушунчасини белгилашда объектив ва субъект жиҳат фарқланади. Шаён ва қадр-қиммат категорияси бир-бири билан боғлиқ, бироқ айнан ўхшаш эмас. Ҳар қандай кишининг шаони, қадр-қиммати унинг жамият тараққиётидаги ривожланиш даражасига қараб юксалиб боради. Шаён ва қадр-қиммат билан узвий равишда обрў туради ва у шаънга ташқи, яъни объектив аҳамиятга кўра мос келади. Шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси аввало шахснинг ўзида мавжуд. Шу боис мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаони ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 99-моддасида шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқлар белгилаб қўйилган, бу фуқароларнинг номулкий ҳуқуқларига киради. Моддий (мулкий) маблағ шахс билан чамбарчас боғлиқ; улар ўзга йўл билан бегоналаштирилмаслиги ёки ҳеч қандай асосга кўра бошқа шахсга берилмаслиги лозим. Номоддий манфаатларга (ҳуқуқларга) фуқаролар ва юридик шахслар туғилганларидан бошлаб ёки қонунга биноан эга бўлади. Демак, ҳаёт, соғлиқ, қадр-қиммат, шаён ва обрў — фуқаронинг туғилганидан бошлаб эга бўладиган бойлигидир. Бироқ шахсий ҳаёт дахлсизлиги, эркин ҳаракат қилиш ва яшаш жойини танлаш каби ҳуқуқлар эгаликни фуқаролар қонун асосида тасарруф этади. Бош қомусимиз бўлган Конституцияда белгиланганидек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ҳуқуқий кафолатларга мувофиқ ҳар бир фуқаро бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига эга. Мамлакатимизнинг асосий қонуни — Конституциямизда қайд этилганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат шахслари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Қонунда назарда тутилганидек, фуқаро ёки ташкилот ўзининг шаони, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказган маълумотларни тарқатган шахслар устидан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шу билан бир қаторда қонунда бу муносабатларнинг қатнашчилари ҳам белгилаб берилган. Ушбу ҳолатда бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг мажбурияти билан мувофиқлаштирилади.

Шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги махсус қоидалар Фуқаролик Кодексида ҳам баён этилган. Ушбу Кодексга биноан, фуқаро ўзининг шаони, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, мазкур Кодексда фуқаро вафот этгандан сўнг ҳам унинг шаони, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиниши тўғрисида кўрсатма бор.

Тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатган тўғри келмаслиги инсон шаён, қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлаш мажбурияти даъвогар обрўсига путур етказган жавобгарнинг зиммасига юклатилган.

Ҳуқуқ илмида "путур етказувчи" ва "обрўни тўкадиган" деган тушунчалар мавжуд бўлиб, бир қатор ҳолларда улар ўртасидаги чегарани аниқлаш қийин. Бу икки тушунча шахс ҳамда ташкилотнинг обрўсига таъсир қилади, бироқ бу таъсирнинг даражаси бир хил. Обрўни тўкувчи ҳар қандай маълумот путур етказувчи ва аксинча бўлиши мумкин.

Шаён, қадр-қиммат ва обрў жиноят, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилинади. Шаён ва қадр-қимматни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш Фуқаролик Кодексининг 100-моддасига кўра, путур етказувчи маълумотларни тарқатувчи ўзга шахснинг айбига боғлиқ бўлмайди.

Амалиётда судларнинг қонуний асосда шаён ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво аризаларини рад этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Баъзан инсон ҳақида салбий ахборот тарқатиш билан боғлиқ ҳолатлар маҳалла қўмиталари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларида кўриб чиқилади. Улар қабул қиладиган қарорлар фуқароларнинг судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди. Бу қоида Фуқаролик Кодексида назарда тутилган.

Шунингдек, юридик ва суд амалиётида ишончи суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай номаъқул хатти-ҳаракатга йўл қўйган шахс бошқа шахсга бу маълумотларнинг сир сақланишини илтимос қилиб, яширинча айтади. Бироқ номақбул хатти-ҳаракат атрофдагиларга ошкор бўлади. Бундай ҳолларда суд ишониб сирини айтган шахснинг даъвосини қаноатлантирмайди. Чунки ҳақиқатга тўғри келувчи маълумотларнинг рад этилганлиги, қонунда назарда тутилмаган. Бу ерда ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳақида сўз юритилиши мумкин. Бу ҳақда ҳуқуқшунос А. Агроновский шундай дейди: "Агар ҳамсуҳбатнинг журналист билан бўлган суҳбатини сир сақлашни талаб этса, нима қилиш керак? Агар у "матбуот учун бўлмайди" деган фикрни айтсачи? Унда бу маълумотларни "матбуот учун бериш" ёки бермасликни ҳамсуҳбат эмас, балки журналист ҳал қилиши лозим. Биз суҳбатга оғиз очган журналистдан жим бўлишни талаб этиб, ўзларининг ҳуқуқларидан маҳрум бўлган кишиларни гапиришга мажбур қила олмаймиз".

Шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилиши ҳам мумкин.

Шу муносабат билан Фуқаролик Кодексининг 100-моддасида ОАВ орқали тарқатилган шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни рад этишга доир махсус қоида баён этилган. **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги Қонунда фуқаролар ва ташкилотларнинг шаони, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни рад этиш ҳуқуқи ҳам назарда тутилган. Ушбу қонунга биноан фуқаролар оммавий ахборот воситасида тарқатилган ва уларнинг шаони ҳамда қадр-қиймати, ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги борасида таҳририятдан раддия беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 100-моддасида шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етган ҳолларда махсус ҳимояланиш йўллари белгилаб қўйилган. Шу модданинг ўзида умумий воситалардан фойдаланишнинг (зарарни ундириш, маънавий зиённи қоплаш) имконияти назарда тутилади.

Агар шаён, қадр-қимматга путур етказувчи маълумот (матбуот, радио ёки телевидение орқали эмас) ўзга йўл билан тарқатилганда раддия бериш назарда тутилмайди. Бундай бўшлиқни йўқотиш учун айбсиз шахснинг айбсизлигини тиклашнинг турли шакллари излаб топилади. Баъзан жавобгар томон суд қарорларини ижро этмайди. Бундай ҳолларда суд қарорини ижро қилишнинг усуллари ва тартибларини ўзгартириш масаласини ҳал қилиш керак. Зеро, Конституциянинг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Айрим ҳолларда инсон ҳақида тарқатилган маълумот ҳақиқатган тўғри келса-да, бироқ салбий тавсифга эга (илгари судланганлик, руҳий касалхонада бўлганлик ва ҳ.к) бўлади.

Яна шуни айтиш жоизки, шаён, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда етказилган маънавий зарарни қоплаш муаммоси назариётчи ва амалиётчи ҳуқуқшунослар эътиборидаги муҳим мавзу бўлган ва шундай бўлиб қолади. Чунки улар кўплаб жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларига дахл қилади. Унинг ахлоқий-ижтимоий вазифаси шахснинг дахлсизлигини қўриқлаш, яъни ижтимоий ҳимоя функциясини бажариш ҳисобланади.

Шундан, келиб чиқиб, мамлакатимиз қонунчилигида, хусусан, **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунлар маънавий зарарни ундириш назарда тутилган. Бу эса юртимизда инсон шаони, қадр ва қиммати ишончли кафолатланганининг далолатидир.

**Ирина ЗАРИПОВА,**
**тадқиқотчи**

### САВОЛ БЕРИНГ!

**Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.**




***— Навоий вилоятиданман. Айни пайтда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 3-курсида таҳсил оляпман. Шу билан бирга ўқишдан ажралмаган ҳолда "Тошкент почтамт" акциядорлик жамиятида кечки сменада ишлаяпман. Ўқишни тугатгандан кейин ҳам шу ташкилотда ишни давом эттириш ниятидаман. Бунинг учун ташкилот раҳбарияти рози ва иш ўрни ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда талаба бўлганим боис паспортим шаҳарга вақтинчалик рўйхатга қўйилган. Ўқишни тугатганимдан кейин паспортимни Тошкент шаҳрида яшовчи қариндошим ёки ўзим уй сотиб олсам, доимий рўйхатга қўйиб, яшашим ва ишлашим мумкинми? Мумкин бўлса, қаерга ва қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилишим керак?***

**Исмоил РАҲИМОВ,**
**талаба**

— Паспортингизни доимий яшаш мақсадида рўйхатга қўйдиришингиз ва ишлашингиз учун аввало, қариндошингизнинг розилиги талаб қилинади. Сўнгра қариндошингиз бўлса (акангиз, опангиз ва ҳоказолар) у сизга Фуқаролик Кодексининг 502-моддаси (ҳадя шартномаси)га мувофиқ ўзининг номига олди-сотди шартномаси орқали уй сотиб олиб, ҳадя қилиши лозим. Шундан сўнг паспорт рўйхатга қўйиладиган ҳудуд ҳокимлигининг шу фаолият билан махсус шуғулланувчи бўлинмасига мурожаат қилинади. Уларнинг сизни ҳадя қилинган уйга рўйхатга қўйиши учун ариза билан мурожаат қилишингиз лозим. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб қилинишини ўша идоранинг мутасадди шахслари тушунтиришади.

**Саволга ҳуқуқшунос**
**Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

# ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ

## ИККИНЧИ МАҚОЛА

**I. Парламент иш тартиби**

Конституцияга мувофиқ, ҳар бир палата аъзоларининг мутлоқ кўпчилик овози билан ўз регламентини қабул қилади. Италия қонунчилиги тизимида парламент регламентларининг ҳуқуқий ҳолати бир хил эмас.

Италия парламентининг ҳозирги вақтда амал қилаётган палата регламентлари 1971 йилда қабул қилинган. Регламентларнинг матнлари келишилган - палаталарнинг биронтаси ҳам бошқаси олдида устунликка эга бўлмаслиги керак, у ёки бошқа кўринишда бошқа палатанинг ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги ёки умумпарламент жараёнини қийинлаштирмаслиги лозим.

Палаталар ва уларнинг комиссияларининг мажлислари қоидага кўра, тегишли палаталар раислари ёки ҳукумат фикрини ҳисобга олган ҳолда комиссиялар раҳбарлиги остида парламент гуруҳлари вакиллари конференцияси томонидан уч ойга режалаштирилади.

Комиссиялар палата раислари ва комиссияларнинг ўзлари томонидан чақирилади. Комиссиянинг махсус чақириғини депутатлик аъзоларининг бешдан бир қисми ва учдан бир қисми — Сенат комиссияси, шунингдек, ҳукумат талаб қилиши мумкин.

Ҳукумат аъзолари, ҳатто, агар улар депутат бўлмаса-да, палата мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга, расмий талаб бўлганида эса, иштирок қилишга мажбур. Вазирлар ўрнига уларнинг ўринбосарлари ва тегишли вазирликларнинг юқори лавозимдаги амалдорлари қатнашиши мумкин. Ҳукумат вакиллари учун палаталарда алоҳида ўринлар захирада сақланади.

Қисқартирилган регламент ўрнатилган расмий масалалар бўйича чиқишлардан ташқари, депутатларнинг ҳар бири қонун лойиҳасини ёки мутаносиб режада (биринчи ўқиш) қарорларни муҳокама қилишда 45 минутдан ва алоҳида модда ёки тузатиш бўйича 20 минутдан кўп бўлмаган вақтда сўзга чиқадилар.

Конституция палата мажлисларида қарор қабул қилинишига нисбатан қуйидаги умумий қоидани ўрнатди: қарорлар фақат тегишли палаталар кўпчилик аъзолари бўлганда ва бу қарорлар иштирок қилаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинганда ҳақиқийдир. Шуниси қизиқки, регламентлар қарор қабул қилинаётган пайтда парламентлик (комиссияларда, депутатлик гуруҳларида ва бошқаларда) ёки ҳукумат вазифаларини бажараётган, яъни амалда мажлисда иштирок этмаётган парламент аъзоларига нисбатан зарур кворуми ҳисобини ўрнатди.

Қарорлар овоз бериш йўли билан қабул қилинади, улар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш, қўл кўтариш, депутатларни мажлислар залида ажратиш ва номма-ном овоз бериш йўли билан амалга оширилади, улар сўров ёхуд электрон ускуналардан фойдаланиш йўли билан ўтказилади. Яширин овоз бериш қутига шарларни (бюллетенларни) ташлаш ёки шунингдек, электроникадан фойдаланиш усулида ўтказилади. 1988 йилда регламентларнинг қисман ислоҳоти ўтказилди, натижада, яширин овоз бериш тартибидан фойдаланиш кескин чегаланди.

**II. Қонунчилик фаолияти**

Конституцияга мувофиқ, қонунчилик вазифаси иккала палата томонидан амалга оширилади. Қонун лойиҳасини тақдим қилиш ҳуқуқига ҳаммадан аввал, у ёки бу қонунчилик ўзгариши зарурлигини яхши баҳолай олишга қодир идора сифатида ҳукумат эга. Қоидага кўра ҳукумат томонидан тақдим этилган қонун лойиҳаси палатага мамлакат Президентининг рухсат этувчи декрети билан киритилади, шу тарзда давлат раҳбарининг расмий қўллаб-қувватлаши таъминланади.

Қонун лойиҳаси парламент гуруҳи ва комиссияси томонидан киритилиши мумкин. Парламентлардан тақдим этилаётган қонун лойиҳасига унинг бош вазифалари ва хусусиятларини тушунтириб берувчи ҳужжат (маъруза) илова қилиниши керак. Иқтисодиёт ва меҳнат масалалари бўйича қонун лойиҳалари палатага ҳукумат ва палатанинг алоҳида маслаҳат кенгаши — Иқтисодиёт ва меҳнат иллойиҳасини тасдиқлашни рад этиши мумкин эмас, аммо тасдиқлангунга қадар уни палаталарда қайта кўриб чиқишни талаб этиши мумкин. Бу кечиктириш ветоси одатдаги кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Агар қонун лойиҳаси иккинчи палатада тўла эмас, балки қисман рад этилса ёки унга ўзгартишлар киритилса, лойиҳа уни дастлаб маъқуллаган палатага қайтарилади.

Қонун лойиҳаси биркитилган палата раиси ёхуд комиссия фақат ўз қарори ваколатли комиссия томонидан қабул қилингунча бошқа комиссиядан қонун лойиҳаси тўғрисидаги фикрини талаб қилиши мумкин. Қоидага кўра, фикр саккиз кун давомида (қонун лойиҳасининг шошилинч ҳолатида - уч кун мобайнида) тақдим этилади.

Қонун лойиҳасини палатада кўриб чиқиш икки босқичдан иборат: унинг асосий йўналишларини муҳокама қилиш босқичи ва моддаларни кўриб чиқиш босқичи.

Агар лойиҳага битта тузатиш киритилган бўлса, қонун лойиҳаси матни овоз беришга қўйилади. Бир неча тузатиш бўлган ҳолатда овоз беришга асосий матндан анча фарқ қиладиганидан бошлаб, тузатиш-қўшимчалар билан ниҳоясига етадиган қўшимчалар киритилади.

Конституцияга ўзгариш ёхуд унга қўшимча киритиладиган конституцион қонун лойиҳасига нисбатан қонунчилик жараёни алоҳида қатъийлик билан ажралиб туради. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва маъқуллаш фақат палаталарда ўтказилиши керак: конституцион масалалар бўйича комиссияда фақат қонун лойиҳасини тақдим этиш бўйича маъруза тайёрланади. Қонун лойиҳаси моддама-модда ва бутунлай бўлмаган ораликда икки ўқилишда маъқулланиши керак.

Агар конституцион қонун лойиҳаси иккинчи ўқилишда овоз бериш чоғида депутатлар ёки сенаторларнинг мутлоқ кўпчилик овозини олмаса, у рад этилган ҳисобланади. Агар унинг учун иккала палатада ҳам палата аъзолари мутлоқ кўпчилик овоз берса, унинг якуний тақдири тўғрисидаги қарор камида уч ойга қолдирилади. Агар қонун референдумда ҳақиқий деб топилган кўпчилик овоз билан маъқулланмаса, у қабул қилинган деб ҳисобланмайди. Конституциянинг ярим асрдан кўпроқ амал қилаётган даври мобайнида унга кам аҳамиятли бўлган ўнга яқин тузатиш киритилди.

Италияда ижроия ҳокимиятига қонун кучига эга бўлган декрет-қонунлар ва қонунчилик декретлари чиқариш бўйича қонунчилик ваколатлари берилган. Конституцияга мувофиқ, декрет-қонунлар ҳукумат томонидан ўта зарур ва шошилинч ҳолатларда ўз ташаббуси билан чиқариладиган қонун кучига эга бўлган актлар ҳисобланади. Декрет-қонунлар чиқарилган куни уларни тасдиқлаш учун палаталарга берилиши керак, ҳатто палаталар тарқатилган бўлса, махсус чақирилади ва беш кун давомида йиғилади.

**III. Парламент ва сиёсий партиялар**

Италия парламентидаги барча депутат ва сенаторлар парламент гуруҳларига мансуб. Парламент гуруҳларига қоидага кўра, бир партия вакиллари бирлашадилар, аммо, "парламент гуруҳи" тушунчаси анча аниқ, чунончи, аралаш гуруҳлар ҳам пайдо бўлади, бир партиялиликка амал қиладиган гуруҳга эса, парламентда алоҳида гуруҳни шакллантириш учун етарли вакиллик ололмаган партиялардан парламентарлар ва партиясизлар ҳам кириши мумкин.

Парламент гуруҳини ташкил этиш учун Палатада 20 нафардан кам бўлмаган ва Сенатда 10 нафардан кам бўлмаган депутатлар зарур. Шу билан бирга, палаталарнинг регламентлари бюрога 20 нафар депутатдан кам таркибда гуруҳлар тузишни ҳал қилиш ҳуқуқини тақдим этади, бунда шундай шарт қўйиладики, мазкур гуруҳ уларнинг рўйхати сайловларда 20 тадан кам бўлмаган округда кўрсатилган ва бутун мамлакат бўйича сайловчиларнинг 300 мингтадан кам бўлмаган овозини олган, белгиланган тартибда уюшган партияни ифодалаши керак. Бироқ, ўз-ўзидан, рўйхат бўйича у ёки бошқа партиядан парламентга сайланиш уни дарҳол мувофиқ гуруҳга қабул қилишга олиб келмайди. Палатанинг биринчи мажлисидан сўнг икки кун давомида депутатлар ўзларининг гуруҳга мансублиги ҳақида маълум қиладилар. Маълум қилмаган, партия гуруҳига мансубликни истамаганлар аралаш гуруҳни тузадилар. Гуруҳлар ўзларининг биринчи мажлисларида гуруҳ органларини — раиси, унинг ўринбосарларини, котибларни ташкил қиладилар. Гуруҳ таркибида, шунингдек унинг кенгашларида гуруҳ кенгашларини шакллантириш ва сўнгги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида палата раисига маълумот берилади.

Регламентлар амалда барча масалаларни муҳокама қилишда гуруҳларга алоҳида иш тартиби ҳуқуқини тақдим этади. Гуруҳ номидан сўзга чиқадиган парламент аъзоси шахсий тартибда сўзга чиқадиган парламент аъзоси олдида устунликка эга. Кун тартибини белгилашда, маърузачи ва ҳаммаърузачиларни тайинлашда гуруҳ раислари алоҳида ваколатларга эга.

Парламент гуруҳларининг ўзаро муносабатлари ёрдамида парламент ўзининг энг муҳим сиёсий вазифаси — мамлакатнинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишда турли сиёсий кучлар ўртасида воситачиликни бажаради.

**Мурод ҲАКИМОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

## Huquqiy ma`rifat

# ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

## УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилиши алоҳида қайд этилган. Бинобарин, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ва билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ болага баркамол инсон бўлиб вояга етиш, соғлом тан ва тафаккур соҳиби бўлиш, ота-онанинг кўз қароғида, уларнинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиш, ташқи олам билан ўзига энг яқин кишилар ҳисобланмиш ота-оналари орқали боғланиш, бу туфайли атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни асл ҳолида тушуниш, идрок қилиш ва хулоса чиқариш, ўзгалар тажовузидан муносиб ҳимояланиш имконини беради.

Бош Қомусимиз — Конституциянинг 64-моддасида айтилганидек, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдир. Қонунчилигимиз бола манфаатларини устувор деб белгилади. Шу маънода агар оиладаги муҳит ва шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик уни ушбу оила ҳамда шароитда қолишга йўл қўймайди. Шу боис Конституциямизда давлат ва жамият етим ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди деб қайд этилган.

Бу ўринда қандай ҳолларда болани фарзандликка олишга йўл қўйилади, деган савол туғилиши табиий. Фуқаролик Кодексида фарзандликка олиш туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш каби фуқаролик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ифодаланиши белгиланган.

Хўш, фарзандликка олиш ўзи нима? У қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш жоизки, асосан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айни вақтда фақат вояга етмаган болалар уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олинади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик идораси (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари - васийлик ва ҳомийлик идоралари) тавсиясига кўра, туман (шаҳар) ҳокими қарори билан расмийлаштирилади. Вазирлар Маҳкамасининг 171-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари"**да белгиланишича, ФҲДЁ идораси қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилиши мумкин. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонунда белгиланган тартибда муомадага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар; асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар; фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганларнинг фарзанд олувчи бўлиши қонун асосида таъқиқланади.

Шунингдек, қонун ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди.

Фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи оиласида яшаётган шахс ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эгадир. Қоида тариқасида, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан аниқланади. Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бундай ҳолларда хотин (эр)нинг розилиги ҳам талаб этилади. Шунингдек, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади.

Фарзандликка олинган болалар барча ҳасиб ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Айни вақтда фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (шунингдек, қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларни йўқотади ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўлади.

Фарзандликка олувчилар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлик билан шуғулланса, фарзандликка олиш бекор қилинади.

Шуни ҳам эслатиш ўринлики, фарзандликка олиш фуқароларнинг мутлоқ эрки ҳисобланиб, фарзандликка олувчига мажбурлаш ёки тазйиқ ўтказиш мумкин эмас. Шунингдек, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш тегишли равишда жиноят қонунчилиги билан таъқиб этилади.

**Шоира ЙЎЛДОШЕВА,**
**ҳуқуқшунос**

## Nafs balosi

# ХИЁНАТ

## ЁКИ ТЎРТКЎЛДА ИЛДИЗ ОТГАН ЖИНОИЙ ГУРУҲНИНГ ҚАБИҲ ҚИЛМИШЛАРИ ХУСУСИДА

***Газетамизнинг шу йил 1 октябр сонида чоп этилган "Ўпқон" сарлавҳали мақолада тўрткўллик нафс бандаси Боғибек Рўзимбетовнинг кирдикорлари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Иш ҳаки ва нафақа пуллари тўланишига бўлган эътиборнинг тобора ошиб бораётгани ва мушторийлар қизиқишларини инобатга олиб, Халқ банкининг Тўрткўл туманидаги 529-бўлими бошқарувчиси Шокир Нуржонов атрофида юзага келган жиноий гуруҳнинг қабиҳ қилмишлари хусусида батафсилроқ сўз юритишни лозим топдик.***

Мазкур жиноий гуруҳ "фаолият"и икки йилдан ортиқ муддат — 1998 йилдан 2001 йилга қадар давом этди. Давлат тижорат Халқ банкининг Қорақалпоғистон бўлими бошқаруви раиси Икром Сеитназаров, Тўрткўл туманидаги 529-бўлими бошқарувчиси Шокир Нуржонов, бошқарувчи муовини Фарҳод Эгамберганов, бош ҳисобчи Шодиёр Хўжаев, кадрлар бўлими мудири Қолмурот Қутлибоев, етакчи тафтишчи Шуҳрат Норимов, туман банкининг 51-шоҳобчаси назоратчиси Мирза Бекчонов, 49-шоҳобча назоратчиси Ҳакимбой Худойшукуров, 39-шоҳобча назоратчилари Бахтиёр Аҳмедов ва Реймажон Бобожонова, 18-шоҳобча назоратчиси Жонибек Сеитмамбетов, 23-шоҳобча назоратчилари Аллаберди Тайлақов ва Арджан Арджанов, 41-шоҳобча назоратчиси Зарифюой Нуримов, 35-шоҳобча назоратчиси Боғибек Рўзимбетовлар мазкур жиноий гуруҳ аъзоси сифатида "аҳиллик" учун қўл бердилар.

Табиийки, гуруҳнинг жиловини туман Халқ банки бошқарувчиси Шокир Нуржонов қўлга олди. У меҳнат фаолиятининг дастлабки йилларида савдо базасида хизмат қилди. 1995 йилдан Халқ банки тизимида қўйи раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1998 йилнинг июнида туман Халқ банки бошқарувчиси лавозимига тайинланди.

Шокир Нуржонов янги лавозимни антиқа тусда қабул қилди. У мансаб ваколати доирасида ўзига юклатилган хизмат вазифаларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиб, Халқ банки билан тузилган шартнома шартларини қўпол равишда буза бошлади. Дастлаб банкнинг кадрлар бўлими мудири Қолмурот Қутлибоев билан ўзаро тил бириктириб, у орқали банк шоҳобчалари назоратчилари ҳисобланган Бахтиёр Аҳмедов, Зарифбой Нуримов, Жонибек Сеитмамбетов, Аллаберди Тойлақов, Арджан Арджанов, Боғибек Рўзимбетов, Ҳакимбой Худойшукуров, Мирза Бекчоновларнинг банк ғазнасидан аҳолига тарқатиш учун олган нақд пул маблағларидан 3-5, гоҳо эса 10 фоиз миқдорида юлиб қолди.

Ниқоб йиртила борди. Пулга ўрганган кўнгил ўртанишни қўймади. Шу тарика 39-шоҳобча назоратчиси Бахтиёр Аҳмедов бошлиқ учун фуқароларга тарқатилиши лозим бўлган пуллар ҳисобидан 142.780 сўм, 18-шоҳобча назоратчиси Жонибек Сеитмамбетов 136.590 сўм, 23-шоҳобча назоратчиси Аллаберди Тойлақов 680.000, шу шоҳобча назоратчиси Арджан Арджанов 44.440 сўм, 41-шоҳобча назоратчиси Зарифбой Нуримов 277.400 сўм, 51-шоҳобча назоратчиси Мирза Бекчонов 300.000 сўмнинг баҳридан ўтди. Қўшимча равишда Зарифбой Нуримов "хўжайин"га 35.000 сўмлик қундуз телпак кийдирди, Бахтиёр Аҳмедов бошлиқ "илтимосига" кўра, унга текширувчилар келганлиги муносабати билан 20.000 сўм ва қалбаки ҳужжатлар тузиб, яна 50.000 "иньом" этди.

Шокир Нуржонов "раҳнамолигида" банк шоҳобчалари назоратчилари ҳисобланмиш Бахтиёр Аҳмедов ҳисобидаги пул маблағларидан 943182 сўм 50 тийин, Жонибек Сеитмамбетов ҳисобидаги пул маблағларидан 1.776.770 сўм 84 тийин, Аллаберди Тойлақов ҳисобидаги пул маблағларидан 1.400.000 сўм, Арджан Арджанов ҳисобидаги пул маблағларидан 1.665

Nafs balosi

# ХИЁНАТ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Буни қарангки, марказий ғазнадан ўз шахсий манфаатлари мақсадида пул олиш Шокир Нуржонов учун оддий бир ўйинга айланди. Шу йўсинда у "садоқатли ҳамкори" Қолмурот Қутлибоев ёрдамида қалбаки ҳужжатлар тузиб, ғазна ҳисобидан нақ 4.030.000 сўм пулни чўнтагига урди. Бир пайтнинг ўзида 25-шоҳобча ҳисобига расмийлаштирилган сохта ҳужжатлар орқали яна 1.000.000 сўм пул ҳамёнга тушди.

Туманда 1999 йилнинг 22 июлидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг лотереялар ташкил қилиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ банки бошқармаси ҳамкорлигида чиқарилган "Ғарезсизлик" ("Мустақиллик") лотереяси сотувга қўйилди. Умумий қиймати 13.000.000 сўмга тенг бўлган лотерея билетларини сотишда фаол қатнашган туман Халқ банки ходимларини рағбатлантириш мақсадида 2000 йилнинг 26 апрелида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ банки бошқармаси томонидан 700.000 сўм пул ажратилди. 2000 йилнинг 5 майида Халқ банки бошқаруви раиси Икром Сеитназаровнинг оғзаки илтимосига биноан, унга туман Халқ банки марказий ғазнаси ҳисобидан ҳеч бир ҳужжатсиз худди ўша миқдордаги пул олиб бориб берилди. Жиноят изларини яшириш мақсадида эса 23-шоҳобча назоратчиси Аллаберди Тойлоқов номига чиқим ордери ёзилди.

Гўё шу билан қопқоқ ёпилгандек бўлганди. Бироқ қаноатни билмаган нафс бандалари янги ҳийла-найранглар ўйлаб топа бошлашди. Икром Сеитназаров очиқдан-очиқ Нукус шаҳридаги ўз биродарлари ишлайдиган "Адил-96" хусусий корхонасига канцелярия моллари учун 126.000 сўм ўтказиб беришни сўради. Илтимос қаноатлантирилди. Аммо канцелярия моллари фақат қалбаки ҳужжатларда сотиб олинди, холос.

Пул «таъми» туман банки бошқарувчиси Шокир Нуржонов, бошқарувчи муовини Фарҳод Эгамберганов, бош ҳисобчи Шодиёр Хўжаевларни ажралмас бирликка айлантириб қўйди. Мазкур учликнинг "саховатпешалиги" билан Шокир Нуржоновнинг туғишган укаси бошқараётган "Коммерсант-К" фирмасига жиҳозлар сотиб олиш учун 450.000 сўм пул ажратилди. Аммо улар фирма банк билан ҳисоб-китоб чоралари ҳақида бош қотириб ўтиришмади.

Гапнинг индаллоси, жиноий гуруҳнинг бирор бир аъзоси бировга ҳақини бериб қўядиганлар хилидан эмасди. Шу маънода туман банки бошқарувчиси муовини Фарҳод Эгамберганов ҳам чўнтакни қаппайтириш бобида бошликдан қолишмади. У "Баракат" ҳиссадорлик жамиятига қарашли озиқ-овқат ҳамда саноат моллари дўконларига харид моллари учун қонунга хилоф тарзда ўтказилган нафақа пулларидан бир йўла 281.580 сўмини уриб қолди. Бу ҳам камлик қилгандек, юз-хотирни йиғиштириб қўйиб, 23-шоҳобча назоратчиси Арджан Арджановдан "куда-қойим учун зарур"лиги ниқоби остида 40.000 сўм пул "сўради". Бош ҳисобчи Шодиёр Хўжаев бўлса, 23-шоҳобчанинг бошқа назоратчиси Аллаберди Тойлоқовнинг елкасидан қоқдида, яқинда сотиб олган "Нексия" автомобили тўловига озгина етмай турганлигини важ қилиб, унинг 400.000 сўм пулини кассасига урди. Лекин марказий ғазнадан Аллаберди Тойлоқов номига олинган бу пулнинг атиги 80.000 сўмини қайтариб берди. Қолган 320.000 сўм пул эса Аллаберди Тойлоқов ҳамда кадрлар бўлими мудири Қолмурот Қутлибоевлар ҳамкорлигида ғазнадаги ортиқча пуллар сифатида ҳисобдан ўчирилди. Шодиёр Хўжаев бунга ҳам қаноат ҳосил қилмасдан, «туман нафақалар жамғармаси, "Пахтабанк" ва "Миллий банк"ларнинг туман бўлимлари, туман молия бўлимига ўтказилди» баҳонаси билан марказий ғазнасидан олинган 633.779 сўм 84 тийин пул маблағларини ўз фойдасига ўмаради. Бош ҳисобчи ҳаракатда давом этиб, коммунал тўловларидан тушган 594.600 сўм, электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўланган 150.000 сўм ва бошқа асосларда марказий ғазна ҳисобига кирим қилинган 1.350.020 сўм 97 тийин пулни ҳам хамирдан қил суғургандек осонгина ўзлаштириб юборади.

Ўз навбатида кадрлар бўлими мудири Қолмурот Қутлибоев ҳам бундай "сирли ўйин"ларга қуруқ томошабин бўлиб қолмади. У 39-шоҳобча назоратчиси Бахтиёр Аҳмедовнинг жавобгарлигидаги пул маблағларидан 943.182 сўм 50 тийин, 18-шоҳобча назоратчиси Жонибек Сеитмамбетов жавобгарлигидаги пул маблағларидан 1.766.770 сўм 84 тийин, 23-шоҳобча назоратчиси Аллаберди Тойлоқов жавобгарлигидаги пул маблағларидан 1.400.000 сўм, 51-шоҳобча назоратчиси Мирза Бекчонов жавобгарлигидаги пул маблағларидан 1.186.989 сўм 72 тийин, 35-шоҳобча назоратчиси Боғибек Рўзимбетов жавобгарлигидаги пул маблағларидан 3.432.113 сўм 50 тийин, 49-шоҳобча назоратчиси Ҳакимбой Худойшукуров жавобгарлигидаги пул маблағларидан 3.335.528 сўм камомад борлигини била туриб, уларни кўр-кўрона яшириб келди.

Халқ банки етакчи тафтишчиси Шуҳрат Норимов шоҳобча назоратчилари Бахтиёр Аҳмедов, Боғибек Рўзимбетов, Арджан Арджановларга турли йўлларни рўкач қилиб кўрсатиб, уларнинг 60.000 сўм пулини қоқиб олди. У нафақа пулларининг ўз вақтида тарқатилиши, ҳисобот ҳужжатларининг аниқ ва тўғри олиб борилиши устидан назорат ўрнатиш ўрнига оилавий ғамхўрлик тўғрисидаги Фармон ва қарорлар ижросига тўсқинлик қилди. 41-шоҳобчадаги пул камомадини яшириш мақсадида Зарифбой Нуримовдан 250.000 сўм пора олади. Хизмат фаолияти давомида жами 5.533.726 сўм пул маблағларининг талон-тарож қилинишига йўл қўйиб берди.

Уюшган гуруҳ таркибидаги мансабдор шахслар ўз жиноий хатти-ҳаракатлари билан бошқаларни ҳам жиноят йўлига киришга мажбур қилдилар. Шу зайлда Халқ банкининг турли шоҳобчаларида назоратчилик қилишаётган Мирза Бекчонов, Ҳакимбой Худойшукуров, Бахтиёр Аҳмедов, Жонибек Сеитмамбетов, Аллаберди Тойлоқов, Арджан Арджанов, Зарифбой Нуримов, Боғибек Рўзимбетовлар раҳбарларга «емиш» тайёрлаш жараёнида ўзлари ҳам қуруқ қолишмади. "Ўмариш" операциясида, айниқса, Зарифбой Нуримов фаол иштирок этди. У туманнинг "Уллибоғ" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 41-шоҳобчада назоратчилик қиларкан, 2000 йилнинг январ ойи нафақаларидан 30.200 сўм, феврал ойи нафақаларидан 47.300 сўм, март ойи нафақаларидан 32.000 сўм, апрел ойи нафақаларидан 26.400 сўм, май ойи нафақаларидан 44.500 сўм, июн ойи нафақаларидан 45.000 сўм пулни асоссиз равишда Халқ банки кадрлар бўлими мудири Қолмурот Қутлибоев орқали бошқарув раиси Шокир Нуржоновга ошириб юборди. Худди шу даврда шоҳобча назоратчисининг шахсий манфаатлари ҳукмронлиги боис январ ойи нафақа пуллари февралда, феврал ойи нафақа пуллари мартда... май ойи нафақа пуллари июнда нафақахўрлар қўлига бориб тегди. Зарифбой Нуримов ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда, 2000 йилнинг июн-июл ойлари ичида нафақахўрларнинг 1.000.000 сўм пулини ўз эҳтиёжлари учун сарф қилди. Ҳаромдан ҳазар қилмаган назоратчи 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бор оилаларга, 16 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланувчиларга, кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа пуллари, ишсизлик нафақалари ва тўловлардан, жами 1300 га яқин нафақахўрлар ҳисобидан 5.553.726 сўм пул маблағларини талон-тарож қилди. Шоҳобча ҳисобидаги бу камомадни яшириш мақсадида етакчи тафтишчи Шуҳрат Норимовга доимий равишда ойига 15-20 минг сўмдан пора бериб келди.

Афсуски, юқорида номлари зикр этилган назоратчилардан бирортаси бу каби жиноятлардан четда қолгани йўқ. 2001 йилнинг 10 февралида Тўрткўл шаҳар Беруний маҳалласида жойлашган 18-шоҳобчада текшириш ўтказилганида, ғазнадан 1.257.870 сўм 84 тийин камомад борлиги аниқланди ва шоҳобча назоратчиси Жонибек Сеитмамбетовнинг шунча миқдордаги пулнинг бир қисмини ўзи ўзлаштиргани, қолган қисмларини юқори мансабдор шахслар ўртасида талон-тарож қилгани маълум бўлди. Хусусан, марказий ғазна ҳисобидаги 150.000 сўм пулни у ўғлининг туғилган кунини нишонлашга сарфлади, 460.600 сўм пулни нафақахўрлар номларидан сохта имзо чекиб, жиғилдонига ютди.

Шаҳар ҳудудидаги 49-шоҳобча назоратчиси Ҳакимбой Худойшукуровнинг ўзгалар ҳақини ейишдаги хатти-ҳаракатлари ҳеч бир қолипга сиғмайди. Лўнда қилиб айтганда, у ғазна ҳисобидаги 3.335.528 сўм пулни ўзига ўзлаштириш ва камомад йўли билан кўкка совурди.

Халқ банкининг бошқа назоратчилари Арджан Арджанов, Боғибек Рўзимбетов, Аллаберди Тойлоқов, Бахтиёр Аҳмедов, Мирза Бекчоновлар ҳам ҳавойи миллионлар ўйинида тек туришмасди. Уларнинг ҳар бири раҳбарларга "саховат" кўрсатиш, чўнтакни тўлдириш борасида янги-янги "ихтиро"лар яратдики, бу ҳақдаги ҳикояларсиз ҳам, зукко газетхон мазкур жиноятчилар тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ниҳоят, туман прокуратураси томонидан олиб борилган узоқ муддатли тергов жараёни якун топди.

Жиноий гуруҳ аъзолари қилмишларига яраша қонуний жазоланишди. Биз мақоламизга бежизга «Хиёнат» деб сарлавҳа қўймадик. Чунки жиноятчилар халқ мулкига, энг ёмони нафақахўрлар ризқига хиёнат қилишди. Хиёнат эса ҳеч қачон кечирилмайди. Бу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

**Фахриддин НУРИДДИНОВ,**
**адлия маслаҳатчиси.**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qutlov

# УМР МАЗМУНИ

Катта ўғил — Ўринбой урушда ҳалок бўлгач, Раҳимбой ака ва Зулайҳо опалар қалб кўри ҳамда меҳрини кичик ўғли бўлган Ўктамбойга бағишлашди. Улар уни ўқимишли, меҳнатсевар ва садоқатли қилиб ўстиришга астойдил бел боғлашди. Ҳар тугул, ота-онанинг меҳнати зое кетмади. Орадан йиллар ўтиб, Ўктам Раҳимов Хоразм вилоятнинг моҳир ва зукко ҳуқуқшуносларидан бири, камтарин инсон, устоз ва мураббий бўлиб етишди.

Ўктам Раҳимовнинг ёшлиги Ҳазорасп туманидаги "Боғдор" деб юритиладиган кичик қишлоғида кечди. У шу ердаги мактабни тугаллаб, юристликка ўқиш учун ҳужжат топширди. Ўша кезлар ўқишга 18 ёшга тўлмаганлар қабул қилинмас эди. Илм йўлида узоқ Хоразмдан пойтахтдаги олий таълим даргоҳини қоралаб келган ўспирин эса бу маҳал эндигина 16 дан ҳатлаган эди. Ўқишга чанқоқлик, эзгу-мақсад йўлидаги тиришқоқлик уни ректор ҳузурига етаклади. Йигитчанинг нигоҳидаги астойдил орзу-умид ва қатъият ҳамда воҳада ҳуқуқшуносларнинг камлиги инобатга олиниб, ўспиринга истисно тариқасида кириш имтиҳонини топширишга рухсат берилди. Интилганга толе ёр, дейишади. Шу тариқа кириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топширган қишлоқ боласи учун талабаликнинг ҳис-ҳаяжонли ва бетакрор онлари бошланди.

Вақт — югурик. Ҳаш-паш дегунча талабаликнинг унутилмас дамлари ҳам ортда қолди. Ана ўшандан буён ҳам бир-бирини қувлаган қўйи орадан эллик йил вақт ўтди. Ўктам Раҳимов меҳнат фаолиятини йигирма икки ёшида Урганч шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида оддий адвокатликдан бошлаган эди. Ҳаётнинг давомли ва мазмунли пиллапоялари истеъдодли амалиётчи-ҳуқуқшуносни пировардида малака, маҳорат ва устозликнинг шарафли йўлларига бошлади. Бу вақт мобайнида вилоят суди аъзоси, раиси, Урганч шаҳар судининг раиси вазифаларида ишлади. Йигирма йиллик умри адлия бошқармасида кечди. Мазкур идорада у маслаҳатчи, бошлиқ ўринбосари, бошлиқ лавозимларини ўтади.

Ҳаёт илдамлик ва ёниқликни ёқтиради. Ўктам Раҳимов шунга интилаётганларга хос куч-ғайрат билан меҳнат қилди, обрў қозонди, эл-юрт, халқ назарига тушди, ҳуқуқшуносларнинг меҳрибон устозига айланди.

"Менинг бахтим — аллома устозларга шогирдлигим, — дейди Ўктам оға дили тўлқинлашиб, — аввалига халқимиз меҳрини қозонган ажойиб олим-ҳуқуқшунослар қўлида таълим олдим, улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилдим, Ҳадича Сулаймонова, Шавкат Ўразаев, Отабой Эшонов, Анвар Аъзамўжаев, Мамлакат Восиқова сингари ўз касбининг фидойилари билан ошно ўтган умримдан беҳад розиман".

Ўктам Раҳимов умрининг деярли қирқ йилини вилоятда суд, адвокатура, нотариал идоралар, ФҲДЁ муассасаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, иш ва турмуш шароитларини яхшилашга бағишлади. Ҳозир воҳада қонунчилик йўлида изланаётган, ҳуқуқшунос ёшларнинг аксарияти Ўктам аканинг шогирд ва издошларидир. Бу — мураббий меҳнатларининг тотли меваси десак, асло муболаға эмас.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Ўктам Раҳимов вилоят адлия бошқармаси раҳбарлигидан нафақага чиққач, "Урганчтрансгаз" давлат акционерлик компанияси ҳуқуқшунослик бўлимини бошқармоқда. Яқинда Ўктам Раҳимов таваллудининг етмиш йиллиги нишонланади. Ҳаётнинг олдинги сафларида ҳамон шаҳдам қадам ташлаётган устоз-ҳуқуқшуснинг мазмунли ҳаёт йўли шогирд-издошлари учун ибрат намунасидир.

**Қутлимурод РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос,**
**Қўзи ДАВЛАТОВ,**
**ҳуқуқшунос-тадқиқотчи**

УШБУ СОНДАГИ СУРАТЛАР МУАЛЛИФИ АБДУҒАНИ ЖУМАЕВ

Taqdir tarixi

# ABRAHAM LINCOLN

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУРАШЧИСИ

Бугунги кунда кўпчилик ҳавас қиладиган Америка Қўшма Штатлари халқи мамлакатни таназзул ҳолатидан олиб чиқа олган, тинчлик ва ривожланиш сари етаклаган президент Абраҳам Линколнни ўзининг асл фарзандларидан бири санайди. У халқ ва миллат олдидаги буюк хизматлари учун миллат қалбидан абадий жой олган инсондир. Мамлакат тараққиёти йўлида ўчмас из қолдирган давлат раҳбарининг ота-боболари асли виржиниялик эди. Линколнлар оиласи асосан деҳқончилик орқасидан кун кечиришарди. Аммо оила бошлиғи Томас Линколн баъзида дурадгорлик билан ҳам шуғулланиб турарди. Уй бекаси Ненси Хенкс эса оддий оиладан чиққан эди. Томас ва Ненси Линколнлар тўйларидан кейин 18 ойча муддат Кентукки штатининг Илизабет шаҳарчасида яшашади. Шу ерда уларнинг биринчи фарзанди туғилди. Ота-онаси қизларига Сара деб исм қўйишди. Сара туғилганидан сўнг Томас шаҳар четидан деҳқончилик учун ферма сотиб олиб, шу ерда ҳаёт кечира бошлади. Орадан бир йил ўтгач, яъни 1809 йилнинг 12 февралида Линколнлар ўғилли бўлишди. Ўғилларига эса Абраҳам деб исм қўйишди.

Ёш Абраҳам болалик ва ўсмирлик чоғлари йўқчилик даврига тўғри келди. Устига-устак, бу даврда аҳоли ўртасида ер учун уруш бошланди. Нима қилишини билмай қолган Томас охири Ҳиндистонга кўчиб кетишга қарор қилди. Бунинг сабаби шунда эдики, Ҳиндистонда ҳукуматдан ер сотиб олиш осонроқ эди. Шу мақсадда Линколнлар оиласи 1816 йили Ҳиндистонга кўчиб келди. Лекин Ҳиндистонда ҳам кун кечириш Томас ўйлаганчалик осон эмас экан. Ёғоч чайла ичида яшаётган оила асосан ёғоч сотиб рўзғор тебрата бошлади. Шундай бўлса-да, аста-секин Линколнлар оиласининг ҳаёти яхшиланиб борди. Аммо кутилмаганда Абраҳамнинг онаси Ненси касалликка чалиниб вафот этди. Хотинидан бевақт ажралган Томас анча вақтгача ўзига келолмай юрди.

Лекин ўғлининг тинмай онасини сўраётганига чидай олмаган Томас ниҳоят Сара Буш исмли бева аёл билан ҳаётини боғлашга мажбур бўлди.

Абраҳам Линколн 21 ёшигача Ҳиндистонда яшайди. Бу даврда Ҳиндистонда мактаблар сони ниҳоятда кам бўлиб, оддий китоб-дафтарлар ҳам етишмас эди. Шунга қарамасдан Абраҳам ўқиш ва ёзишни қунт билан ўрганди. Абраҳамнинг энг яхши кўрган фани ҳуқуқ ва математика эди. Ёшлигидан анча сўзга чечан бўлган Абраҳам таниқли ҳуқуқшуносларга, сиёсатчиларга тақлид қилишни яхши кўрарди. Бунга эришиш мақсадида у кишиларни тўплаб қизиқарли ҳикоялар, ривоятлар айтиб берарди. Шу боис тез орада у аҳоли ўртасида айрича ҳурмат-эътибор қозонди.

Ёғоч олди-сотдисини яхши йўлга қўйган Линколнлар кейинчалик денгиз орқали савдосотиқ қила бошлашди. Бу эса ёш Абраҳамга дунёни кўриш имкониятини берди. 1830 йилда Абраҳамнинг отаси Ҳиндистондан кўчиб кетишга қарор қилди. Чунки бу кезларда мамлакатда турли юқумли касалликлар кенг тарқалган эди. Шу тариқа Линколнлар оиласи яна Америкага қайтиб келишди. Америкадаги ҳаёти Абраҳам учун омадли кечди. У бу ерда яхшигина ва ажойиб дўстлар орттирди. Шунингдек, бу орада армияда йигитлик бурчини ҳам ўтаб келди. Хуллас, ҳурмат-эътибори тобора ортиб бораётган Абраҳамни дўстлари штат қонунчилик палатаси аъзолигига номзодини қўйишга даъват этишади.

Сайловда Абраҳам 277 нафар сайловчининг овозини олиб ғолиб чиқди. Шундан сўнг у ҳуқуқ фанини чуқур ўрганишга киришди. 1833 йилда Линколн ўзи яшаб турган қишлоқдаги почта бўлимининг раҳбарлигига тайинланди. Муайян вақт ўтгач, унга депутатликни таклиф этишди. Бироқ Линколн ҳали ўзининг депутатликка тайёр эмаслигини айтиб, таклифни рад қилди. Шундай бўлса-да, у барибир сиёсат билан шуғулланишга мажбур бўлди. Абраҳам Линколннинг сиёсатга кириб келиши Иллионойс штатининг бош ассамблеясига аъзо бўлиши билан боғликдир. Икки йиллик фаолияти давомида Линколн қулликни тугатиш ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни асосий вазифа деб билди ҳамда бу масалани Конгрессга киритди. Шунингдек, бу даврда Абраҳам адвокат Жонн Стиуртнинг ёрдамида ҳуқуқ фанини чуқур ўрганди. Шуниси эътиборлики, дарс олиш учун 32 километрлик йўлдан қатнар эди. Бу эса Линколннинг иродали ва масъулиятли шижоатли шахс бўлганлигидан далолатдир.

Шунингдек, Линколн назарий билимларини амалиёт билан боғлаш мақсадида турли хил низоли суд процессларига ҳам қатнашиб, муайян низо юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар эди.

Линколннинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 33 ёшида кентуккилик Мари Тад исмли қизга уйланади. Марри Тадд табиатан асаби тез аёл эди. Шу сабабли оилада тез-тез жанжаллар бўлиб турарди. Линколн 3 нафар ўғилли бўлади. Ўғилларининг энг каттаси Роберт Топ ҳуқуқшунос бўлиб, узоқ йиллар вазир лавозимида фаолият юритди. Линколннинг қолган икки нафар ўғли бевақт вафот этди.

Иллионойсдаги тўрт йиллик фаолиятидан сўнг Линколн икки йил Конгрессда ҳам ишлади. Ниҳоят, 1860 йилда мамлакатда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Президентликка Линколннинг номзоди ҳам кўрсатилди. Сайловнинг биринчи босқичида Линколн 10249 та овоз олишга муваффақ бўлди. Иккинчи босқичда Линколн Пенсилвания ва Индиана фуқароларининг ёрдамида 181 та овоз олди. Сайлов натижасини эълон қилиш олдидан Линколнга 4 овоз олиб берилди. Натижада Абраҳам Линколн АҚШнинг 16-президенти этиб сайланади. Линколнннинг президентлик фаолияти 1861 йил 12 апрелда бошланиб, 4 йил давом этган, олти юз йигирма минг аскар ҳамда 45 минг фуқаронинг ҳаётига зомин бўлган Фуқаролар уруши билан боғлиқ ҳолда кечади. Фуқаролар уруши жанубий ва шимолий штатлар ўртасида бўлиб ўтди. Урушни келтириб чиқарган асосий сабаб мамлакатда қулликнинг ривожланиши, кишиларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш эди.

Линколннинг ана шу даврда давлат раҳбари сифатида бажарган энг катта хизмати шундан иборат бўлдики, у миллатнинг бўлиниб кетиши олдини олиб, халқни ягона мақсад сари бирлаштирди. 1864 йилнинг ноябр ойида Абраҳам Линколн иккинчи муддатга президентликка қайта сайланди. Сайловдан кейин 6 ой ўтгач, Линколн АҚШ президентлари тарихида биринчи суиқасд қурбони бўлади. Ўша 1865 йилнинг 14 апрел куни Вашингтондаги "Ford" номли театрда "Америкалик амакимиз" деган томошани президент мароқ билан кўраётган эди. Тўсатдан саҳнадаги актёрлардан бири бўлмиш Жонн Вилкс Линколнга қарата тўппончадан кетма-кет ўқ узади. Улар Линколнни қаттиқ яралади. Врачлар президентнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бор имкониятини ишга солишди. Аммо оғир яраланган Абраҳам Линколн эртаси куни ҳаётдан кўз юмди. Спринг Филддаги "Окк Риж" қабристонида Америка халқи азиз фарзандини сўнгги йўлга кузатди.

Ҳозирги пайтда АҚШда Линколннинг хотирасига бағишланиб қурилган кўплаб меъморий ёдгорликларни кўриш мумкин. Хусусан, Вашингтондаги Хотира майдони ёки Детройтдаги Линколн парклари Америка халқининг ўз фарзандига бўлган юксак ҳурмат-эътибори тимсолидир.

**Хусан ТУРСУНОВ тайёрлади**

Jinoyat va jazo

# ТУНГИ ҚОТИЛЛАР

Термизлик Жуманазар Абдулалиев шу кунга қадар икки марта ўғирлик қилиб, суднинг қора курсисида ўтиришга улгурди. Иккинчи марта ўғирлик қилиб қўлга тушгач, Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазо ўташга юборилди. Бу орада Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони эълон қилиниб, ўтган йилнинг октябр ойида жазони ижро этиш жойидан озод қилинди.

Шундан сўнг Жуманазар бундан тегишли хулоса чиқариб олса бўлар эди. Аммо у эгри йўлдан қайтмади. Бир куни таниши Сафарали Маматқулов билан учрашиб қолди-ю, иккаласи "эски ҳунари"ни янгидан бошлашга қарор қилишди. Улар омадларини дастлаб 2001 йил 31 декабр куни Термиз шаҳри Жайҳун кўчаси, 12-уйда яшовчи Бахтиёр Ҳасановнинг уйида синаб кўришни режалаштиришди. "Биринчи юриш" муваффақиятли чиқди. Улар ана шу хонадондан қимматбаҳо буюмлар — видеомагнитофон, автомашина радиоси ва магнитофони, икки дона тилла узук, газмоллар — жами 898 минг сўмлик буюмларни ўмаришди. Сўнгра Шерободга боришиб, автомашина радиосини Фурқат Бўриев исмли шахсга 4000 сўм, автомашина магнитофонини Хайрулло Хуррамов исмли кишига 10 минг сўм, сумкани Равшан Чориев исм-шарифли шахсга 2 минг сўмга сотиб юборишди. Ачинарлиси, нотаниш кишилар ҳам булар буюмларни нима учун арзонгаровга сотаётгани билан қизиқишмади.

Биринчи "ўлжа" муваффақиятли тарзда қўлга киритилгач, ҳар икки жиноятчи энди каттароқ "ов" уюштириш пайига тушишди. Шу боис уларнинг навбатдаги "юриши"га Баҳодир Мардонов ва Азиза Давронова жалб этилди. Эндиги нишон Азизанинг ёлғиз яшайдиган таниши Роҳат Бўроннинг хонадони бўлди. Улар 2002 йил 11 январ куни кечқурун шаҳарнинг 4-кичик даҳасига йўл олишди. Мўлжалга олинган 13-уй қошига келгач, маслаҳатни янада "пишитиб" олишди. Яъни Баҳодир подъездда қолиб, атрофни кузатадиган, Азиза эса танишининг уйига ҳол-аҳвол сўраш учун кирадиган, шундан сўнг Сафарали билан Жуманазар кириб, "ишни якунлайдиган" бўлишди. Эшик қўнғироғи жиринглагач, эндигина меҳмонларини кузатиб қўйган Роҳат "танишлардан бирортаси ёки қўшнилар бўлса керак" деган ўй билан эшикни очди. Азизани кўриб, саломаликдан сўнг ичкарига таклиф қилди. Бироз ўтгач, келишувга кўра, Жуманазар билан Сафарали ҳам кириб келишди. Чақирилмаган меҳмонлар суҳбат чоғида уй соҳибасига "яна бир қиз келишини, тўрталаси шу ерда дам олишмоқчи эканини" айтишди. Бу гаплардан меҳмонларнинг чалғитувчи ниятини англай олмаган уй соҳибаси бироздан сўнг ётоқхонасига кириб кетди. Бундай қулай фурсатни бой беришни истамаган Жуманазар ва Сафарали ҳам тезда унинг изидан киришди. Сафарали унинг оғзини ёпгач, Жуманазар кўз очиб юмгунча ёнидан пичоқ чиқариб, мезбоннинг кўкрак ва қорнига кетма-кет санчди. Уй соҳибаси ҳолсизланиб, полга қулади ва Жуманазар билан Сафаралига ёрдам сўраганидек, илтижо билан бақди. Аммо... унинг илтижо билан бақишига жиноятчилар шафқатсизларча яна пичоқ санчиш билан жавоб беришди... Улар уй соҳибаси вужудига бир зумда ўн етти марта пичоқ санчишга улгуришганди. Шу тариқа тўрталаси ўлдирилган мезбон хонадонидан тилла тақинчоқ, ҳар хил қимматбаҳо газмол, кийим-кечак, рангли телевизор, видеомагнитофон — жами тўрт миллион уч юз ўн тўққиз минг етти юз эллик сўмлик мулкни олишиб, манзилларига қайтишади.

Лекин бу " юриши" охиргиси эканини улар ҳали билишмасди. Орадан бироз вақт ўтгач, жиноятчилар ўлжаларни бўлишаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга туширилди. Яқинда ушбу уюшган жиноятчилар жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ҳукми билан тегишли жазога маҳкум этилишди.

* * *

Рустам Жўраев 1997 йилдан буён ички ишлар идораларида, 2000 йил август ойидан бошлаб эса Сариосиё туман ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлинмасида оддий милиционер вазифасида ишлаб келаётган эди. Демак, у жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, жамоат тинчлигини сақлаш вазифаси юклатилган ходим, бир сўз билан айтганда, тинчлик посбони саналади.

Бироқ нима бўлди-ю, Рустам кейинги пайтларда ичкиликка берилиб, хизмат таътили муддати тугаганидан сўнг ҳам анча вақт ишга бормай юрди. Бўш пайтлари ҳам "шиша билан суҳбат қилади"ган одат чиқарди. Шундай кунлардан бирида кечқурун ширакайф бўлиб, ўзи яшайдиган кўчада турганида, бирдан икки-уч уй нарида яшовчи қўшни жувонга кўзи тушди-ю, унга гап отиб қўйди. Унга жавобан қўшниси нима деганини эслай олмаса-да, ҳар ҳолда ўзича "илиқ гап" айтди, деб хурсанд бўлиб қўйди.

Шу ўй-хаёл Рустамни етаклаб, қўшни жувоннинг уйига элтиб қўйди. Йўл-йўлакай бир шиша "Денов" ароғини чўнтагига солиб олди. "Уйга келганни ит қопмас" деганларидек, уй бекаси ҳам уни қўшни сифатида илиқ кутиб олиб, борини дастурхонга қўйди. Ароқни ҳам бўшатишди. Шундан сўнг Рустамнинг кайфи янада ошиб, қўшнисига шилқимлик қила бошлади. Уй бекаси рад жавобини бериб, уни қузатиб қўйди. Лекин шум хаёллар бошидан кетмади чоғи, кўчада бемаҳалда ёлғиз юрган Рустам яна қўшнисининг уйи сари йўл олди. У энди девор ошиб ўтиб, Ибодат Раҳимованинг қизлари ётган хонага кирди ва шилқимлик қилиб, уларнинг тинчлигини буза бошлади. Рустамнинг бемаҳал ҳовлисида юрганини кўрган уй бекаси ундан уйдан чиқиб кетишини талаб қилди. Бунга жавобан Рустам уни уйнинг даҳлиз хонасига олиб кириб, юзига урриб йиқитди ва бўйнидан бўғиб, хонага судраб олиб кирди. Беҳосдан хонадаги тумбочка устида турган пичоққа кўзи тушди-ю, уни олиб Ибодатнинг бўйнига тўрт марта санчди. Уй эгасининг оғриққа чидай олмасдан "мени ўлдирма, тилла тақинчоқларимни бераман", деб ялингани ҳам Рустамни тўхтата олмади. У бошқа пичоқни олиб, аёлнинг кўкрак қафаси, бўйни ва қорин бўшлиғига кетма-кет пичоқ санчаверди. Бундан ҳам қониқиш ҳосил қилмаган қотил энди стулнинг темир оёқчасини ечиб олиб, уй бекасининг бош қисмига ура кетди. Бунгача эса Ибодат Раҳимова қонга беланиб, аллақачон жон таслим қилган эди...

Рустам бамайлихотир марҳумининг бўйнидаги тилла занжир, қўлидаги икки дона тилла узукни, шкафда турган тилла буюмлар, эркаклар қўл соати ва костюмини олиб, ҳовлига чиқди. Унинг кўриб қолиб, қочмоқчи бўлган марҳуманинг қизи Дилрабони ҳам ушлаб олган Рустам унинг бошига қўлидаги темир билан урди. Дилрабо ҳушидан кетди. Унинг важоҳатини кўрган Муҳаббат эса зўрға ички ишлар бўлимига хабар қилишга улгурди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судида Рустам Жўраевга нисбатан айблов ҳукми ўқилиб, у узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

* * *

Нурумбек Аннақулов Термиз шаҳридаги Ф.Ҳасанов номидаги кўчада Арменак Еганян билан кўп йиллардан буён қўшни бўлиб яшаб келаётган эди.

Бироқ йигирма беш ёшда бўлса ҳам бирор жойда ишламасдан бекор юрарди. Ачинарлиси, унинг бундай юриши билан ҳеч ким қизиқмасди. Шу боис у жорий йилнинг 9 феврал куни бозорга чиқиб, ошхонада овқатланиш билан бирга ароқ ҳам ичди. Бу бироз камлик қилди, чоғи, дўкондан олган икки шиша винони ҳам бир зумда бўшатди-да, биллиард хонага жўнади. У ердан кечқурун чиқиб, шу кўчада яшовчи ўртоғи Шуҳрат Шукуровнинг уйига йўл олди. Бу ерда ҳам ўртоқлар бир шиша ароқни бўшатишди. Бундан анчагина қизишиб олган Нурумбек Шуҳратни биргаликда кекса қўшниси арман бобо ва момонинг уйига ўғирликка тушишга ундади. "Сен момони ушлаб турсанг бас, у ёғини ўзим эплайман" деди шеригига у. Иккаласи обдон маслаҳат қилишгач, Нурумбек Шуҳратнинг уйидан олган пичоқни қўйнига солди-да, тунда Арменак Еганяннинг уйига йўл олишди. Дарвоза тақиллатилгач, эшикни очган уй бекаси Анжела хола қутилмаган ҳаракатдан ганг-гиб қолди. Чунки Шуҳрат дарҳол унинг оғзини маҳкам ёпиб, ерга йиқитиб босиб олганди. Нурумбек эса ҳовлига кириб, уй эгаси Арменак Еганяннинг қаерда ётганини билиш мақсадида уни чақирди. Сўнгра жавоб келган томонга бориб, уч-тўрт мушт уриб уни йиқитиб олди-да, бўйнига пичоқ тортиб юборди. Шу тариқа жиноятчилар унинг қўлидаги тилла узук, Анжела холанинг бўйнидаги тилла тақинчоқ ва сирғаларни ечиб олиб, уй бекасининг қўл-оёқларини боғлаб ташлаб, шу кечанинг ўзидаёқ Сариосиё тумани орқали қўшни давлатга ўтиб кетишга ҳаракат қилишди. Бироқ улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг тезкор ҳаракати туфайли ушланиб, Сурхондарё вилоят прокуратураси ихтиёрига топширилди. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг ҳукмига кўра, Нурумбек Аннақулов ва Шуҳрат